

Жўра ЙЎЛБАРСОВ

**ЮЛДУЗЛАР МАНГУ
ПОРЛАЙДИ**

(Лавҳалар)

Қарши
"Насаф" нашриёти
2005

65,323.2 (58)



Орзуларга тўлиб яшаса инсон,
Шараф давонидан ўтолса ҳар он.
Юлдузлар мисоли мангу порлайди,
Хаётда яхши ном қолдирган инсон.

1031128
091

20 05	Allsher Navoiy
№ 670	nomidagi
	O'zbekiston Mi

Ушбу китобимни қорақўлчиликнинг энг улуғ мутахассисларидан, билимдонларидан бири, "Муборақ" қорақўлчилик-наслчилик хўжалиғига 26 йил раҳбарлик қилган табаррук инсон, саховатли қалб эгаси Ҳайит Оқмаматовнинг ва шу хўжалиқни оёққа турғизган кўплаб марҳум инсонларнинг ёрқин хотирасига, ҳамда хўжалиқнинг буғунги тараққиётини таъминлаётган фидокор инсонларга бағишлайман.

"Муборақ" қорақўлчилик-наслчилик хўжалиғи бошқаруви Кенгашининг раиси Олим Оқмаматовга ушбу китобни чол этишда ҳомийлик кўрсатганлиги учун самимий миннатдорчилик билдираман.

Муаллиф.

Ю К С А Л И Ш Й Ў Л И

МУҚАДДИМА

Инсоннинг дунёқараши, онги, шуури болаликдаги таассуротлари, кўрган-кечирганлари асосида шаклланади. Болалиқнинг таассуротлари бизнинг ҳали тўйинмаган, қотмаган тасаввурларимиз, нарса ва ҳодисалар, воқеалар ҳақида тўлишиб келаётган фикрларимиз билан қўшилиб, уйғунлашиб кетганлиги учун ҳам унутилмасдир. Зеро, улар бизнинг онгимизда, қонимизда яшайдилар. Шунинг учун ҳам эсимизни эндигина таний бошлаган давримизда еган нонларимизнинг, ичган сутларимизнинг таъмини, ҳидлаган гулларимизнинг атрини, сайр этган бўстонларимизнинг кўркини, ота-оналаримиздан, яқинларимиздан кўрган меҳр-оқибат туйғуларини умримизнинг ҳеч бир фаслида қайтадан ҳис эта билмаймиз. Улар қалбимизда, онгимизда бетакрор бир таассурот, бекиёс бир туйғу бўлиб яшайдилар. Йиллар ўтгани сайи: ҳаётнинг мураккабликларини, шодлик ва қийинчилик жиҳатларини тўлиқроқ англаб борамиз. Ҳаётда мустаҳкамроқ, фаровонроқ яшаш, умр кечириш учун дунёни теранроқ, чуқурроқ англашга интиламиз. Ақл-идрокимиз, билимимиз, изланишларимиз, имкониятларимиз даражасида англаймиз ҳам. Аммо, болалиқнинг таассуротлари, хотиралари, эслаган пайтимизда, ҳамма билган, англаган нарса ва ҳодисаларимиздан кўра ҳам кўз ўнгимизда яққолроқ намоён бўлиб туради.

Чўпонлар ҳақида ўйлаганимда кўз ўнгимга уфқлар этагига туташиб кетган қирлари, адирлари ям-яшил майсалар билан қопланган яйловлар келади. Бу менинг болалигим ўтган яйловларнинг рангли суратидир. Заррача губори йўқ кўм-кўк осмонда олпоқ майин жунли қўйлар сурувлари каби булутлар оҳиста, салобат билан кезиб юрибдилар. Улардан дам-бадам сутдек илиқ, майин ёмғирлар ёғилиб турибди. Қуёш мўл-кўл нурларини сочади. Чўғдек лолакизғалдоқлар, олтиндек товланувчи қўзигуллар, нофармон чучмомо, нофармон нўхатак, читир гуллари, ёввойи шивит, сариқ гулсапсар, испарак гуллари барқ уриб ўсиб ётган қирнинг ёнбағрида бир сурув кўзили

қўйлар ўтлаб юрибди. Ёшгина чўпон бола, ҳали у мактаб ёшига ҳам етмаган) сурувнинг бошида, тепаликда ёнбошлаб ётибди. Ётган жойидан яйлови, суруви яққол кўринади. У ишига пишиқ-пухта, кўриниши ҳам катта одамлардек сипо, жиддий. Қўй-у қўзиларига синчковлик, билимдонлик билан разм солади. Совлиқларнинг донга, ширага тўлиб бораётган ўтларни чертиб-чертиб ейишларини, тўйиб, октябрда ётиб кавш қайтаришларини эринмай кузатади.

Дунёси тинч, осмони мусаффо, қўйу қўзилари тўк, соғлом, дуркун, яйловлари серўт ана шу чўпон боладан бахтиёр инсон йўқдир дунёда. Мен чўпонлар ҳаёти, яйловлар ҳақида ўйлаганимда, толиққан асабларимни уйку олдидан тинчлантирмоқчи бўлганимда ана шу чўпон болани, унинг яйловларини хотирам ойнасида жонлантириб қайта-қайта кўраман. Яйлов кенгликларини, мусаффо ҳавосини ҳис этаман. Кўнглим ором олади.

Бугун ҳам чўпонларнинг ҳаёти, меҳнати ҳақида бир асар ёзишни мақсад қилиб қўлимга қалам оларканман, дастлаб ана шу болалик таассуротларимни хотирамга олдим. Зеро, яйловлар бағрида ўтган болаликнинг ўчмас таассуротлари, улуғ, табарруқ ота-боболарнинг паноҳида ташлаган дастлабки қадамлари ҳақидаги хотиралар ташкил топган кунининг шонли 70 йиллиги нишонланадиган “Муборак” наслчилик-қорақўлчилик жамоа-ширкат хўжалигининг ҳар бир чорвадори учун ҳам эъзозли, унутилмасдир. Катта авлод вакиллари, чўпон боболаримиз хўжаликни ҳам, бир фарзандлари сингари асраб, авайлаб, ардоқлаб вояга етказганлар. Болалик инсон умрининг энг ардоқли, муҳим фасли бўлганлиги учун ҳам дастлаб хўжаликнинг ташкил топиши, тетапоя қадамлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Бугунги фаровон ҳаётимиз, қўлимиздаги бойликларимиз, эришаётган ютуқларимиз замирида ота-боболаримизнинг фидокорона меҳнатлари, чеккан азобу укубатлари, бутун умрлари ётибди. Биз улар очган ерлардан, яйловлардан, бизга қолдирган от-уловлардан, ишлаб чиқариш воситаларидан, чорва молларидан фойдаланаяпмиз. Бизларга қуриб қолдирган мустаҳкам, пишиқ-пухта иморатларда яшаяпмиз. Заҳмат чекиб қазиган каналларидан, қудуқларидан сув ичаяпмиз. Бизларга қолдирган бой маданий, маънавий меросларидан фойдаланаяпмиз. Ўзимиз ҳам уларнинг барчасини сақлашга, кўпайтиришга, мустаҳкамлашга, ривожлантиришга ҳиссамизни қўшаяпмиз. Энг аввало қолдирган мана шу моддий, маънавий мерослари учун ота-боболаримизга миннатдорчилик билдиришимиз, уларнинг покиза руҳларига сиғиниб, улуғ номларига садоқат билан яшамоғимиз, хайрли ишларини ривожлантириб, олийжаноб фазилатларини намойиш этиб бормоғимиз, муқаддас хотираларига садоқат кўрсатмоғимиз керак. Ана шунда авлодлар алоқадорлиги узилмайди. Фарзандлик бурчимизни ўтаган бўламиз.

"Муборак" қоракўлчилик хўжалиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори билан 1928 йилда ташкил топган. Хўжалик ҳудудлари ўша даврда Қашқадарё вилоятининг Косон туманида (ҳозирги Муборак тумани) ташкил топган. Хўжаликнинг номи шу ердаги темир йўл станциясининг номидан олинган. Бу темир йўл, ўша қийинчилик даврларида, бу чўл ҳудудларини ташқи дунё, марказлар билан боғловчи ягона восита бўлган.

Хўжалик 1928 йилнинг ноябрь ойидан ўз фаолиятини бошлаган. Хўжаликнинг улкан Ўртачўл яйловлари минглаб квадрат километр майдонларни эгаллаган. Хўжаликнинг чорваси азалдан шу ҳудудларда яшаб келган йирик қоракўлчи бойларнинг Шўролар ҳукумати томонидан мусодара этилган қўйу қўзилари, туялари, отларидан ташкил топган. Хўжалик тузилган дастлабки даврда унинг қўй-у қўзилари 100 минг бошдан ортиқ бўлган. Қўйлар қабул қилиб олиниб хўжалик тузилгач, унинг барча чорваси Муборак темир йўл станцияси яқинида жамланган. 100 минг бошдан ортиқ чорваси бўлган хўжаликнинг жами бинолари битта ертўладан, битта омбордан иборат бўлган. Ўша даврда хўжаликка Петров директорлик қилган. Б.А.Ветерок бош зоотехник бўлиб ишлаган. Петров бошқа ишга ўтгач, совхозга У.Урмонов директорлик қила бошлаган.

Хўжалик ҳар томонлама тайёргарликсиз ташкил этилганлиги учун чорва озуқа базаси заиф, зоотехника, ветеринария хизмати етишмаган. Ҳатто чорвани суғориш учун яйловларда сув очтирмаган. Қудуқлар, чорвачилик бинолари ниҳоятда кам, чорванинг бутун оғирлиги қишин-ёзин, бунингсиз ҳам ўзларининг аҳволлари ночор бўлган чўпонларнинг зиммасида бўлган. Етишмовчиликлар ниҳоятда кўп бўлган. Чўпонлик учун озиқ-овқат етказиб бериш ҳам катта муаммо ҳисобланган. Асосий транспорт воситалари туя, от, эшак бўлган. Қудуқлардан сув туяларга арқон боғланиб қовғаларда тортилган. Чўпон-чўликлар ичимлик сув сифатида ҳам қудуқларнинг шўр сувидан фойдаланишган. Қашқадарё дарёси уларнинг ҳаётида катта рол ўйнаган.

Хўжалик ташкил топган дастлабки даврданоқ, юқори сифатли қоракўл терилар берадиган қўйлар зотини яратишга, кўпайтиришга эътибор қаратилди. Чунки юқори сифатли қоракўл терилар ҳаҳон бозорида жуда юқори баҳоланарди. Бундай терилар чет мамлакатларга тиллога сотиларди. Хўжаликда наслчилик ишларининг бошланишига дастлабки кунларданоқ замин яратилиб, бунинг учун тайёргарлик ишлари олиб борилди. Аммо бу борада мутахассислар етишмасди. Кексаларнинг эслашларича дастлабки даврда Косон туманидаги иккита қоракўлчилик хўжалигида атиги бир нафар ветеринария врачлари, икки нафар ветеринария фелдшери, икки нафар зоотехник ишлаган холос. 1930 йилга келиб хўжаликда мавжуд бўлган 100 минг бошдан ортиқ қўйнинг 25 минг боши совлиқлар бўлган. Хўжаликни ривожлантириш, наслчилик ишларини

ташкил этиш учун, аввало, чорва биноларини қуриш, совлиқлар сонини кўпайтириш зарур эди. Раҳбарият ана шу йўналишда ишлаш бошлади.

1930 йилнинг баҳорида машаққатли, тинимсиз меҳнатнинг дастлабки самаралари кўринди. Ўша йили тўли олиш даврида 4900 бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Қўзилаган совлиқларнинг 23 фоизига қўзи қолдирилди. Ўша йилнинг ўзида жами совлиқлар сони 37 минг бошдан оширилди.

Чорванинг сони ниҳоятда кўп. Хўжалиқнинг миқёслари катта. Моддий техника базаси ниҳоятда заиф эди. Қорақўлчилик хўжалигини тараққий эттириш, наслчилик ишларини олиб бориш учун хўжалиқни ихчамлаштириш зарур деб топилди. 1931-1933 йилларда “Муборак” қорақўлчилик хўжалиги базасида “Нишон”, “Қоровулбозор”, “Қорақум”, “Таллимаржон”, “Кўкдала” қорақўлчилик хўжалиқлари ташкил этилди. Бу хўжалиқларнинг аксарияти “Муборак” совхозининг ўша олиш ҳудудларидаги фермаларида ташкил топди. Шу жиҳатдан олганда ҳам “Муборак” хўжалиги мамлакатимиз қорақўлчилигининг асосчиси, қорақўлчилик борасида жаҳон миқёсида эришган улуғвор ютуқларимизнинг сарчашмасида турган ҳомийси, ташкилотчиси, унинг фидокор чўпонлари, мутахассислари қорақўлчилигимиз довруғининг дарғалари ҳисобланадилар.

Ихчамлашиш, бевосита қорақўлчиликка ихтисослашиб бориш, хўжалиқни бошқаришга, чўпонларнинг меҳнат, ҳаёт тарзини яхшилашга, иқтисодиётни, моддий техника базасини мустаҳкамлаб боришга имкон яратди. Масалан, 1931 йилдаёқ совхозда 27 та ёпиқ, 54 та очик қўтонлар, 15 та қудуқ, отхона, турар жой биноси, ўйингоҳ, ошхона, нонвойхона қурилганлигини қариялар эслайдилар. Натижада чорва молларининг сони ўсиб борган. 1932 йилнинг кузига келиб хўжалиқда режадаги 75 минг бош ўрнига 86 минг бошдан ортиқ чорва моллари бўлган. Ем-хашак жамғаришга эълон қилинган оммавий сафарбарлиқда ҳамма яқдиллик билан қатнашиб, қишга етиб ортадиган даражада чорва озукаси жамғаришган. 1933 йилнинг баҳорига келиб хўжалиқда 45 минг бош қорақўл тери берадиган совлиқлар бўлган. Ўша йили баҳорда улардан қорақўл тери олиш ва давлатга қорақўл тери топшириш режаси ортиғи билан бажарилган.

Аммо чўпонларнинг яшаш шароити оғир бўлиб, улар қишин-ёзин яйловларда яшардилар. Қорақўл териларнинг сифати паст эди. Ем-хашак танқислиги учун совлиқларнинг бир қисми қисир қолар, турли касаллиқлар, айниқса, қўтир кўп эди. Бу касаллик қўйлардан кўп жун олишга ҳам салбий таъсир қиларди. 1933 йилнинг баҳорида хўжалиқда 20 хонадонга мўлжалланган турар жой, яйловларда 20 та замонавий қўтонлар, 6 та сунъий қочириш пунктлари, автогараж, 5 та бринза тайёрлаш цехи қуришга пуштирилиб, бу ишлар ўша йили ууддаланди. Хўжалиқ меҳнаткашларининг фарзандлари учун 25 ўринли мактаб ҳам қурилиб ишга туширилган. Қишлоқ учун барча фермаларда,

отарларда ҳар қачонгидан кўра мўл чорва озуқаси жамғарилган. Натижада 1934 йилнинг баҳорида давлатга қоракўл тери топшириш режаси 112 фоизга бажарилган. Давлатга режадаги 1200 ўрнига 1249 центнер гўшт топширилган. Аммо ўша йили давлатга жун топшириш режаси удаланмаган. Ўша даврда қўйлар қўлда қайчи билан қирқилган. Бунинг устига қўйларнинг фақатгина ёнбошларининг жунлари қирқилган, холос. Кейинчалик хўжаликнинг қирқимчилари қўйларнинг қорни остидаги жунлари ҳам қирқиладиган бўлди. Ҳар йили икки марта креолинли сувда чўмилтирилиб, кўтир касаллигига барҳам берилди. Натижада жуннинг салмоғи ортиб, сифати яхшиланди. Қариялар бу ҳақда фахрланиб гапирадилар. Зеро, йилга икки марта қирқиб олинадиган жун қўйдан олинадиган энг катта даромадлардан бири ҳисобланган. Ҳозир эса, зарур қайта ишлаш саноат корхоналарининг етарлича ташкил этилмаганлиги натижасида қўйнинг жунини энг арзон, қадрсиз хомашё бўлиб қолди. Бу борада жаҳон андозаларига хос технологик жараёнларни амалда жорий қилиш, қўллаш чорвачилик хўжаликларига ҳам, барча аҳолига ҳам, мамлакатимизга ҳам ниҳоятда катта иқтисодий фойда келтиради. Зеро, бизда жун етарли.

Хўжаликни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда, наслчилик ишларини такомиллаштиришда, чорвадорларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашда, маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда, саводсизликни тугатишда, чорвадорлар ўртасидан раҳбарлар, мутахассислар етиштириб чиқаришда 1933 йилда ташкил этилган сиёсий жабҳада катта рол ўйнаганлигини фахрийлар эътироф этадилар. Сиёсий жабҳага Михаил Кузмин раҳбарлик қилган. Сиёсий жабҳа "Муборак" совхозини "Ўзбекқоракўл" системасида энг илғор хўжалик даражасига кўтаришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйганди. Ўша йилнинг ўзида сиёсий жабҳада ташкил этилган қисқа муддатли зоотехниклар, ветеринарлар, ҳисобчилар тайёрлаш курсларини 25 нафар киши битказиб чиқди. Бу жабҳа хўжалик ишлаб чиқаришнинг, барча тармоқларида фаоллик билан иш олиб борган. Ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, мулкни асраш, фидокорлик билан меҳнат қилиш, инсон меҳнатини қадрлаш борасида катта миқёсда тарғибот-ташвиқот ишларини юритган. Хўжаликнинг иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатган. Ўша даврда "Муборак" совхозини "Сарик" қишлоқ кенгаши ҳудудидаги колхозларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб, уларга моддий жиҳатдан ёрдам берганлиги ибратлидир. Бу даврга келиб хўжаликда деҳқончилик, ғаллачилик билан ҳам мунтазам шуғулланилган. Хўжалик чорвадорлари катта-катта лалми майдонларда ғалла, қовун-тарвуз етиштирганлар. Қашқадарё сувларидан суғориладиган ғалла, беда, маккажўхори, сабзавот майдонлари бўлган. Улардан йил сайин юқори ҳосил олинган.

Юқори сифатли қоракўл терилар берадиган наслдор қўйлар зотини яратиш, мунтазам суръатда наслчилик ишларини олиб бориш

борасидаги дастлабки қадамлар 1934 йилнинг кузида бошланган. Уша йили юқори сифатли қоракўл тери берадиган 2500 бош совлик ажратилиб, зотдор қўчқорлар танланиб, уларни урчитиб кўпайтириш ишлари бошланган. Бу ишлар такомиллаштирилиб, натижалари ҳисобга олиб борилган. Янги услуб 1935 йилнинг баҳорида яхши натижаларни кўрсатди. Эгиз кўзилар кўпайди. Териларнинг сифати бир мунча яхшиланганлиги ҳам кузатилди. Хўжалик давлатга қоракўл тери топшириш режасини ортиғи билан уддалади. Давлатга режадаги 19 минг ўрнига 20 минг дона қоракўл тери топширилди. Кўзи қолдириш режаси 103 фоизга уддаланди.

1934 йилнинг 26 июнида "Муборак" қоракўлчилик совхозида "Социализм қоракўлчилиги учун" номли кўп тиражли газетанинг биринчи сони 600 нусхада чиқарилган. Бу вилоятимиздагина эмас, мамлакатимиз миқёсида ҳам вақтли матбуот нашрларининг биринчи қалдирғочларидан саналади. Газета илғор тажрибалар минбари, тарғиботчи сифатида хўжалик меҳнатқиларининг ҳаётида жуда катта рол ўйнаган. Бу йил ана шу газетанинг чиққанига 64 йил тўлади.

Уша йилларда Косон туманидаги колхозларда ҳам қўйчилик кенг тараққий топиб боради. "Муборак" совхози уларга оталиқ ёрдамини кўрсатган. Биргина 1934 йилда совхоз колхозларга 500 бошдан ортиқ наслдор совлиқлар етказиб берган.

"Муборак" совхозида бевосита наслчилик ишлари билан шуғулланишга ихтисослаштирилган қўш 1934 йилда ташкил қилиниб, унинг ҳисобида 1254 бош энг наслдор совлиқлар, етарлича наслдор қўчқорлар бўлган. Қўйларни қочириб, тўл олиш, кўзиларни бонитировка қилиш ишлари бир қадар илмий асосларда олиб борилди. Уша йили чўпон-чўлиқларга совлиқлардан режадан ортиқча кўзи олганликлари, кўзиларни ўстиришга қолдирганликлари, кўплаб жун қирқиб олганликлари, ортиқча чиқимга йўл қўймаганликлари учун натура тўловлари жорий қилинди. Бу чорвадорларнинг меҳнат фаолликларини, моддий манфаатдорликларини оширди. Бундан руҳланган Н.Ҳайтов, Ф.Хидиров, Х.Иўлдошев, И.Арабов, Э.Жабборов, Я.Зиёдуллаев, Н.Ҳалимбоев, А.Байрамов, К.Хўжаев, Я.Элназаров, Н.Саидов, М.Раҳматов, Я.Ҳайтов, сингари чўпон-чўлиқлар, мутахассислар баракали меҳнат қилишган. Режаларни ортиғи билан бажариб, катта миқдорда мукофотлар олишган. Уша йили "Муборак" совхози «Ўзбекқоракўл» системасида энг илғор хўжалиқлар сафидан жой олганди. 1935 йилга келиб хўжаликнинг наслдор совлиқлари 5000 бошни ташкил этганди. Зарбдор колхозчиларнинг 1935 йилда ўтказилган иккинчи Бутуниттифоқ съездида "Муборак" совхозининг Х.Ниёзов, Х.Иўлдошев сингари машҳур чорвадорлари делегат бўлиб қатнашдилар. Наслчилик борасидаги тажрибалари, ютуқлари билан ўртоқлашдилар. Уша йилидаёқ Ўзбекистондаги "Муборак" қоракўлчилик совхозининг наслчилик борасидаги ютуқлари бутун

Иттифоққа ёйилди. Ростов, Астрахан, Оренбург вилоятларидаги қоракўлчилик хўжаликларига "Муборак"дан 1977 бош наслдор совлиқлар, қўчқорлар жўнатилди. Уша йилда ҳаммаси бўлиб 7774 бош наслдор қоракўл совлиқлар, қўчқорлар турли хўжаликларга етказиб берилди. Бу хўжаликда наслчилик борасида эришилган ютуқлар мамлакат миқёсида эътироф этилганлигини кўрсатади. Бундан хўжалик чорвадорларининг кўкси тоғдай кўтарилди. Бу муваффақият уларни янада баракали меҳнат қилишга руҳлантирди. Уша йилда Х.Арабов, Ш.Қобулов, К.Ҳожиев, Х.Иўлдошев сингари бош чўпонларнинг юбилейлари ўтказилди. Уларнинг қоракўлчилик борасида катта ютуқларга эришганликлари қайд этилди. 1935 йилги иқтисодий кўрсаткичлари якуни шуни кўрсатадики, наслдор совлиқларнинг сонини ўстириш режасини 105 фоизга, давлатга қоракўл тери топшириш режаси 104 фоизга, кўзи олиш режаси 118 фоизга бажарган. Давлатга жун топшириш режаси ҳам ортиги билан удаланганди.

Хўжалик тараққиётининг дастлабки давридаёк, ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, чорвадорларнинг меҳнат, яшаш шароитларини яхшилаш билан биргаликда, физкультура ва спортга ҳам алоҳида эътибор бериб келинганлиги диққатга сазовордир. Хўжаликнинг футболчилари, диска, граната, найза отувчилари, полвонлари, волейболчилари, енгил атлетикачилари бошқа хўжаликнинг спортчилари учун ҳамиса кучли рақиб бўлиб келишган. Совхозлар спортчиларининг биринчи Бутун Ўзбекистон спартакиадасида "Муборак" совхозини спортчилари биринчи ўринни эгаллаганликлари буни исботлаб турибди. Футбол, волейбол жамоалари Тошкент, Ростов шаҳарларида ўтказилган беллашувларда қатнашиб, ғолибликни эгаллаб қайтишган. Наслчилик борасида шуҳрат қозонган хўжалик спорт соҳасида ҳам доврўғ таратган. Хулоса қилиб айтганда хўжалик анча куч-қувватга тўлиб, камолотнинг пиллапоояларидан изчиллик билан юксалиб борарди.

УЧ ҲИКОЯТ

Қиссамиз бошидаги чўпон бола ҳақидаги ҳикоямиз болалик хотираларининг умрбоқийлигини кўрсатиш, ўз даврининг фидойиларига ҳам болаликнинг беғубор, ардоқли, беғам йилларини, беташвиш даврини эслатиш учун келтирилганди. Аслида эса олис чўллар бағридаги яйловлар аёвсиз табиатнинг қор-бўронлари, иссиқ-совуғи, инжиқликлари билан юзма-юз туриб яшаш, ҳаёт кечириш, тирикчилик қилиш, тирик жониворларни асраб-авайлаб боқиб кўпайтириш, ватан бойлигига бойлик қўшиш учун аёвсиз, мурасасиз кураш олиб бориладиган майдонлардир. Чўпонлар бу майдонда табиат қийинчиликлари билан юзма-юз яшайдилар. Меҳнат қиладилар. Улар энг қийин, энг машаққатли, энг фидокор касб эгаларидир. Чўпон уйдан, оиласидан, бола-чақасидан ўнлаб чақирим, олисдаги яйловларни қишин-ёзин яёв кезиб меҳнат қилади.

Ўз тирикчилигини ўзи ўтказади. Йил бўйи ана шундай яшаб, меҳнат қилади. "Чўпон қўйнинг туёғидан ҳам қаттиқ бўлиши керак. Ана шунда яйловнинг қийинчиликларига чидайти", дейдилар.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темура таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз шаҳрида соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали очилиши маросимида қатнашдик. Биз муборакликлар катта бир автобусда Шаҳрисабзга бориб маросимда қатнашган-лигимиздан, Президентимиз Ислам Каримовнинг иштирокида ўтган тарихий лаҳзаларнинг гувоҳи бўлганлигимиздан бениҳоя мамнун эдик. Шаҳарни томоша қилдик, шаҳрисабзликларнинг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлдик. Қайтаётиб Қарши шаҳридаги бозорга тушдик. Айландик. У - бу нарсаларни харид қилдик. Бозордан чиқаётиб ҳамроҳимиз "Муборак" хўжалигининг директори Ҳайит ака Оқмаматовга кўзим тушди. Мева-чева растасида савдо қилаётган экан, ёнига бордим. Ёнғоқ, майиз тўла қоғоз халтасини кўтариб ишга кўмаклашдим.

-Ака, автобусимиз ҳали жўнамайдими? -деб сўради у киши.

-Сиз билан биз чиқмагунча автобус қаерга ҳам жўнардими...

-Ундай бўлса, мени қўл фонарларига, радиоларга, анау ҳозирги чиққан соатларга батареялар сотиладиган жойга бошланг...

Борлик. Ҳайит ака айтганларидан қайта-қайта харид қилди. Йўл-йўл қай бир қоғоз халтани тўлдириб ширмойнонлардан ҳам харид қилди. Автобусга тўлиб-тошиб чиқиб келдик иккимиз.

-Қани, Ҳайит ака, харидни катта қилибсиз? Тўй борми дейман-да? -ҳазиллашиб сўради ҳамроҳларимиздан бири.

-Қўй қочиришни яқинда тугаллаб, қишлоқ жойига кирдик. Икки сйдан бери бозор-ўчарга ҳам қўлимиз теккани йўқ. Шу ердан бориб яйловга, чўпонларнинг олдига жўнаб кетаман. Чўпонларимиз каттамит байрамдан келади, деб кутиб ўтиришибди. Уларга бозорлик қилдим, Соҳибқирон бобомиз юбилейидан совға фонарларига, радиоларига, соатларига батарея олдим, -деди директор катта ташвиш тортиб юрганидан бироз ўнғайсизлангандек.

-Шаҳрисабзда бошланган байрамнинг давоми яйловда бўларкан-да, -деди газни қайта ишлаш заводининг директори Нуриддин ака Зайниев ҳазиллашиб.

-Албатта, Нуриддин оға, марҳамат қилинглари! У ёғини чўпонлар тайёрлаб туришибди. Бизлар чўлда, яйловда яшаймиз. Ошна-оғайнлар йўқлаб борган ҳар бир кун бизлар учун байрам.

-Шофёржон!

-Лаббай, Нуриддин ака!

-Ҳайит акани, Муборакка борганимиздан сўнг, тўғри уйигача обориб кўясиз. Шаҳарда тушиб, ташвиш тортиб юрмасинлар.

-Яйловларигача десангиз ҳам элтиб кўяман, ака!

-Яйловга баҳорда, қизғалдоқлар очилганда борамиз. Ҳозирча бу кишига хизмат қилиб турайлик...

Икки ажойиб инсоннинг суҳбати ана шундай самимий, очик бўлганди.

Директорнинг олис яйловлар бағрида меҳнат қилаётган чўпонлар учун меҳрибончилик кўрсатиши, уларнинг ҳожатларини чиқариши, байрам насибасидан баҳраманд қилиш учун катта шаҳардан мева-чева, совғалар олиб бораётганлиги инсонийлик ва меҳр-оқибатлик намунаси эди. Сахро табиати билан юзма-юз туриб меҳнат қилиш одамларни бир-бирига ана шундай яқин, меҳрибон, камарбаста қилиб қўйган. Уларнинг ютуқлари боиси ҳам ана шу ўзаро ҳамкорлиги, меҳрибонлиги натижасидир.

...Бундан тўрт йиллар муқаддам ўтрор яйловларида, машҳур қорақўлчи бош чўпон Самандар Норбоевнинг отарида бўлдик. Қўзиладиш палласи эди. Баҳор анчагина совуқ келган, яқинда ёғиб ўтган ёмғир эрлаш қордан сўнг совуқ қайтмаган, кечалари аёз қисиб чиқарди. Чўпоннинг ўтовига чой ичдик.

Бир маҳал ўтовга кекса бир чўпон кириб келди. Қорамтир юзини ажинлар босган, баланд бўйли озғин киши. Аммо ҳаракатлари қатъий, дадил. У туя жунидан тўқилган чакмонининг олдини очиб қўлтиғидан иккита янги-туғилган қоп-қора қўзиларни олди. Қўзиларнинг терисидоғи чоранаси ҳам қуримаган. Лекин.... Менинг кўзимга уларнинг иккаласи ҳам яхлаб, чўзилиб қотиб қолганга ўхшаб кўринди.

Кекса чўпон қўзиларнинг бирма-бир оғзини очиб, бармоғини суқиб кўрди. Бошларини, оёқларини обдон уқалаб, чакмонини ечиб, ҳафсала билан яхшилаб ўраб қўйди. Қўзиларда тириклик аломати кўринмасди.

-Баҳор оғир келди, -деди астойдил қуюниб Самандар бобо. Юздан ортиқ қўй қўзилаяпти. Кун совуқ. Қўйнинг ҳали қўқдан қорни тўйгани йўқ. Қўзига қарамайди. Отасига раҳмат совхозимиз директори Ҳайит Оқмаматовнинг. Майдаланган ҳашакни, ерни етказиб бериб турибди. Бизлар ҳар бир бош қўзини сақлаб қолишга ҳаракат қилаяпмиз.

Бу орада қўзиларни ўраб қўйган кекса чўпон қўлларини ювиб келиб чой ича бошлади. Пиёладаги чойга нон ивитиб еяпти. Қўзлари чакмонда. Қараб-қараб қўяди. Астойдил қулоқ тутди.

Ё қудратингдан, парвардигор! Бир пайт чакмоннинг тагидан қўзининг оҳиста маърагани эшитилди. Сўнгра иккаласи ҳам маърани! Чакмонга жон киргандек гимирлай бошлади. Кекса чўпоннинг чехраси бирданига ёришди. У худди иситмалаб, алаҳсираб ётган боласининг иссиғи тушиб, қўзларини очиб талпинган онадек бахтиёр эди. Назаримда унинг бетларидаги ажинлари ҳам бирданига йўқолиб кетгандек туюлди. Энди бу қўзилар яшайди. Серўт яйловларни тўлдириб югурадилар. Оғизларидан оппоқ кўпик оқиб, серсут оналарини эмадилар.

Мен бу ҳикоятни чўпонларнинг машаққатли меҳнати, яйловларнинг аёвсиз табиати ҳақида, умуман, тасавури бўлмаган, фақатгина баҳор фаслида барра гўшт баҳона яйловларга борадиган дўстларимизга ибрат бўлмоғи учун келтирдим. Чўпонлар қўйу

қўзиларини худди фарзандларидек ардоқлаб парваришлашини, қўй боқиш, сурув яратиш қанчалар машаққатли эканлигини кўрсатиш учун ёздим.

...Утган йилнинг май ойларида Ниёзхон қишлоғига, қадрдоним, хўжаликнинг учинчи фермаси мудирини Жуманазар Куллиевнинг яйловига бордим. Тушликка яқин пайт. Жун қирқими бошланган экан. Баҳорда ёгингарчилик ниҳоятда кўп бўлганидан, кунлар илиқ келганлигидан яйловларда ўт ҳар қачонгидан кўра мўл бўлган. Қўйлар семиз. Қўзилар дуркун. Ширбоз қўзиларнинг думбалари тирсиллайди. Жуманазар аканинг кайфияти чоғ.

-Э, ака, келинг. Кўп вақтдан бери келмай кетдингиз? -астойдил гина қилди саломлашарканмиз.

-Жуманазар ака! Тўл олаётган пайтингизда келгандим-ку! Мана қирқим пайтида яна келдим. Келмоқ дегани ҳам шунча бўлади-да.

-Бу йил чўпонларга худо берди. Чўл ўт бўлди. Биримиз тўрт бўлди. Иложи бўлса ҳар куни келинлар.

-Жуманазар оға, раҳмат. Бирингиз тўрт эмас, минг бўлсин. Лекин, бу тўрт деганингизни қандай тушунай?..

-Тўл тушганида чўпоннинг бир қўйи иккита бўлади. Ер ўт бўлса, ана шу иккита қўйи семириб тўрттанинг ўрнини босади. Ҳамма гап, чўлнинг ўт бўлишида. Сирасини айтганда юзта ориқ, яйловдан қорни тўймай юрган қўйдан кўра ўнта семиз, соғлом қўй яхши...

Кўкда қуёш чарақлаб турибди. Катта айвонли кошарда жун қирқилмоқда. Жун қирқадиган агрегатларнинг гуриллаб ишлагани эшитилиб турибди. Қирқимдан чиққан қўйларнинг кўриниши ўғача. Ҳаммаси семиз, соғлом. Сирасини айтганда қўйнинг семизлиги қирқимда билинади. Семиз, соғлом қўйнинг жуни мўл, майин, қирқиш осон бўлади. Кимнинг қандай меҳнат қилганлигини, қўйнинг семиз-ориқлигини қирқимчилар айтиб беришади.

Дағар ерга ўтириб ҳол-аҳвол сўрашдик. Шу ерда қозон тўла гўшт қайнаётди. Қирқимчиларга тушлик учун. Дастурхон тўла нонлар, патирлар келтирилган. Кўкатлар, аччиқ-чучуклар ҳам кўзга ташланади.

-Тушликка тайёргарлик зўрку!

-Бу қирқимчиларнинг насибаси. Сиз билан биз ҳозир уйга борамиз. Биз чўпонлар ҳам шу баҳонада уйда ўтириб ёнбошлаб дам олайлик. Бизларнинг кўчаларда ҳам гоҳида байрам бўлиб туради!..

Жуманазар ака Помуқ қишлоғида яшайди. Ҳовлиси, хонадони обод. Ҳамма нарсаси етарли. Ҳаёти, турмуши фаровон. Уйига укаси Чўлини, қўшнилари чакирди. Қизгин, қуюқ суҳбат курдик.

Чўпонлар меҳнат қилишни ҳам, фаровон яшашни ҳам биладилар. Улар мен учун ҳамиша фидокорлик, ҳалоллик, юксак инсоний фазилатларнинг намунаси бўлиб келганлар. Ҳамиша шундай бўлиб қоладилар.

Хўжаликда ана шундай олийжаноб, чорвасига жонини ҳам фидо қилувчи, халқпарвар, меҳмондўст кишилар яшаб меҳнат қиляптилар. Ҳамжиҳат, ҳамкор бўлиб ишлаб, ютуқларни кўпайтириб, мустаҳкамлаб хўжаликнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнини, обрўсини ошириб бораяптилар. Мен ушбу ҳоқиятларда баён қилган фазилатларни ҳар бир чорвадорда, раҳбарда, мутахассисда кўрганман.

ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Хўжаликда наслчилик ишлари ўзига хос изланиш йўлидан олиб борилди. Ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда. Мутахассислар чўпонлар билан ҳамкорликда юқори навли терилар берадиган қорақўл қўйлар зотини яхшалаш, кўпайтириш борасида астойдил изланишни давом эттиришди. Эндиликда асосий эътибор совлиқларни сунъий қочиришга, мунтазам суръатда юқори сифатли тери берадиган кўчқорлар, қўйларни танлашга, урчитиб кўпайтиришга, уларнинг зотини йил сайин яхшилаб бориш тизимини изчил давом эттиришга қаратилди. Агарда 1935 йилда наслчилик ишлари учун 13500 бош қўзи қолдирилган бўлса, шундан атиги 2,5 фоизи элита ва биринчи классни ташкил этарди. 1936 йилга келиб бу кўрсаткич 5,1 фоизга етказилди. Аммо наслчилик ишларини илмий асосларда олиб бориш учун малакали мутахассислар, зоотехниклар етишмасди. 1937 йилга қадар совхозда қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтининг таянч пункти иш олиб борган. Наслчилик ишлари билан шуғулланган. Кейинчалик таянч пункти турли сабаблар билан ёпилган.

Наслчилик ишларини дастлаб Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтининг ходими Поманский деган йигит мунтазам суръатда олиб боришга киришган. У ниҳоятда ғайратли, изланувчан, ўз ишини севадиган, билимдон, ташаббускор бўлган.

Хўжаликда наслчилик ишларини олиб боришнинг 1939-1941 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиб, шу дастур асосида ишлаган. У иккинчи жаҳон уруши бошлангач, фронтга кетиб, жангларда ҳалок бўлган.

Олис яйловлар бағрида фидокорона меҳнат қиляётган чўпон-чўлиқларнинг, раҳбар ва мутахассисларнинг меҳнати довуғи, шўхрати ортиб борарди. Хўжалик чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаларини бажариш, наслчилик ишларини такомиллаштириш борасида 1939 йилда катта ютуқларга эришди. Наслчилик отарларида элита совлиқлар 1800 бошдан ошди. Хўжаликнинг 5 нафар бош чўпони Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг "Фахрий ёрлиқ"лари билан мукофотландилар. Илғор бош чўпон Ҳазрат Рўзиевга "Меҳнат Қаҳрамони" олий унвони берилди. Уша йили хўжаликнинг 10 нафар чўпони Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари кўрғазмасида қатнашдилар. Улар Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо мукофотлар билан

тақдирланишди. "Муборак" қорақўлчилик хўжалигининг собиқ иттифоқ миқёсида обрўси, шуҳрати ортиб борарди. 1940 йилда хўжалик меҳнаткашлари чорва молларининг бош сонини ўстириш режасини 107 фоизга, насл учун ўстиришга кўзи қолдириш режасини 110 фоизга, давлатга қорақўл тери топшириш режасини 114 фоизга, жун топшириш режасини 105 фоизга бажардилар. Давлатга топширилган қорақўл териларнинг 78 фоизи биринчи сортларга қабул қилинган. Барча сурувларда элита ва биринчи классли кўйлар 11 фоизга етказилган. Бу иқтисодий жиҳатдан ҳам, наслчилик, илмий тадқиқот ишлари жиҳатидан ҳам жуда катта ўсиш, тараққиёт эди. Хўжалик чорвадорларининг меҳнатлари, изланишлари натижалари ҳар жиҳатдан рўёбга чиқаётганди. Хўжалик барча кўрсаткичлар бўйича "Қорақўлтрест" системасида биринчи ўринни эгаллаганди.

Улуғ ватан уруши бошлангач, хўжаликнинг ўнлаб чўпонлари, ишчилари, мутахассислари фронтга кетдилар. Чорванинг машаққатли меҳнати ёшлар, кексалар, аёлларнинг зиммасида қолди. Улар барақали меҳнат қилиб, бошланган хайрли ишларни давом эттиришди. Айни пайтда фронт учун бринза, сир, чакки, сариёғ сингари озиқ овқат маҳсулотларини шу ернинг ўзида тайёрлаб етказиб беришди. Ватаннинг ҳимоясига, муҳофаза саноатига муносиб ҳиссаларни кўшдилар. Уруш йилларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш, наслчилик ишлари изчиллик билан давом эттирилди. Биргина 1942 йилда хўжаликда 2000 гектар майдонда кузги ғалла етиштирилганлиги катта фидокорлик намунасиدير.

-Хўжалигимизда наслчилик борасидаги илмий ишларни мунтазам, аниқ йўналишларда олиб бориш ишлари 1942 йилда Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими Иван Дьячков раҳбарлигида давом эттирилган, - дейди хўжалик бошқаруви кенгашининг раиси, Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Ҳайит Оқмаматов. -Дьячков хўжаликнинг бош зоотехниги Харченко билан биргаликда наслчилик ишларини ташкил этишнинг аниқ дастурини ишлаб чиқиб, шу асосда ишлаганлар. Шу пайтда барча ишлар иккита йўналишга қаратилган. Биринчиси фронтни чорвачилик маҳсулотлари, озиқ-овқат билан таъминлашдан, иккинчиси наслчилик ишларини кучайтириб, аниқ мақсадга йўналтириб, юқори сифатли қорақўл терилар берадиган совлиқлар зотини яратишдан, кўпайтиришдан иборат бўлган. Хўжаликда бевосита наслчилик илмий тадқиқот ишлари олиб бориладиган отарлар аниқланиб, мутахассислар чўпонлар билан ҳамкорликда ишлаганлар. Наслчилик ишлари йил сайин катта натижалар берган. Бунга астойдил изланиш, фидокорона меҳнат билан эришилган.

"Муборак"да мамлакатимиз қорақўлчилигини ривожлантириш борасида жуда катта ютуқларга эришилган. Қашқадарё вилояти 1944 йилда республикамизда етиштирилган қорақўл териларнинг қарийб 28 фоизини берган. Қорақўл териларнинг сони жиҳатидан иккинчи ўринни, сифати бўйича биринчи ўринни эгаллаган. Бу ерда

мамлакатда биринчи марта "сур", "кулранг" қорақўл терилари етиштирила бошланган. Уша йилнинг якунлари бўйича "Муборак" совхози республикада биринчи ўринни эгаллаган. Давлатга 20 минг дона қорақўл тери топширилган. Шундан 88 фоизи биринчи сортга қабул қилинган. 12 тонна бринза, 14 тонна гўшт, 9 тонна жун тайёрланган. Чорва молларининг бош сонини ўстириш режаси 110 фоизга бажарилган. Агар 1935 йилда сурувлардаги элита ва биринчи классли совлиқлар миқдори 2,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1944 йилга келиб, қарийб 20 фоизга етган. Бу наслчилик ишларининг - илмий ходимлар, чорвадорлар меҳнатининг самараси эди. 1946 йилга келиб совхозда ҳар 100 бош совлиқдан 115 бошдан кўзи олинган.

1947 йилдан бошлаб, совхозда наслчилик ишларини янада такомиллаштириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширила бошланди. Наслчилик борасидаги илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган отарларга энг жонқуяр, ҳалоллик билан ишлайдиган, шахсий манфаатини кўзламайдиган, фидокор чорвадорлар кўйилди. Сунъий қочириш, наслдор совлиқларни, мунтазам юқори сифатли насл берадиган кўчқорларни танлашга, уларни урчитиб, натижаларини текшириб, ютуқли жиҳатларини ривожлантириб бориш йўлга кўйилди. Кўзиларни бонитировка қилишда, ҳисобга олишда, кўзи ажратиш даврида мутахассислар чорвадорлар билан ҳамкорликда ишладилар. Зотдор кўйларнинг отарлари, сурувлари яратилиб, кўпайтириб борилди. Натижада хўжалиқда юқори сифатли терилар берадиган зотдор кўйлар сонини кўпайтириш борасида изланиш, иходий меҳнат қилиш муҳити вужудга келтирилди. Уша даврда мутахассислар, чорвадорлар наслчилик ишларини такомиллаштириш борасида астойдил меҳнат қилардилар. Аммо хўжалик раҳбарларининг тез-тез алмашиб турганлиги наслчилик ишларига салбий таъсир кўрсатарди. Қарияларнинг эслашларича биргина 1948 йилда совхозда 4 марта директор алмаштирилган. Юксак мақсадни кўзлаган қорақўлчи олим Дьячков, унинг ёрдамчилари мавжуд муаммоларга қарамасдан тадқиқот ишларини изчиллик билан олиб бордилар. Йил сайин яхши натижаларга эришдилар. Хўжалиқда наслчилик ишлари борасида 1949-1951 йилларга мўлжалланган режа муваффақиятли бажарилди. 1951 йилга келиб маҳсулдорлиги юқори бўлган, олий сортли, қора қорақўл терилар берадиган Муборак қорақўл кўйларининг завод типли зотлари яратилди. Янги зотли кўйлар сержунлиги билан ҳам қимматли эди. Уларнинг жуни толаси унчалик узун бўлмаса-да, қалин, майинлиги юқори эди. Улардан олинадиган қорақўл терилар қоп-қора бахмалдек товланади. Кўзилар терисининг барча қисми, ҳатто қоринларининг таги ҳам бир хилдаги гулда. Барра кўзичоқларнинг терилари куёш нурида қора марвариддек товланади. Кўзичоқлар терисининг бир хилдаги бурама гулларида, оҳанграбодек товланишидан кўз узолмайсиз. Совхознинг чорвадорлари, мутахассисларининг, улар билан қишин-ёзин ёнма-ён меҳнат қилаётган илмий ходимларнинг мақсадлари амалга ошган, орзулари

ушалган. Янги тилдаги, қоракўл териси жаҳон бозорларида юқори баҳоланадиган қоракўл қўйларининг янги зоти яратилганди. Бу ерда, юқори сифатли қоракўл терилар олишда чўпонларнинг меҳнати, олимларнинг изланиши билан биргаликда яйловлардаги ўт-ўланларнинг хосиятини ҳам қайд қилиб ўтмоқ зарурдир. Қоракўл териларнинг сифатида, рангида, гулларининг жимжимасида яйловларнинг, табиатнинг, ўт-ўланларнинг хусусиятлари ҳам ўзининг ифодасини топган бўлади. Хизр кезган яйловлар чўпонлардан ўз саховатини аямаганди. Уша йили қоркўл терилар берадиган зотдор қўйларнинг завод типини яратганлиги учун Иван Дьячковга "Хурмат белгиси" ордени берилди. Шуниси диққатга сазоворки, зотдор Муборак қоракўл қўйлари турли иқлим шароитларида яхши яшашга, баракали тўл беришга мослашганлиги билан ҳам қимматли эдилар.

Хўжалик қоракўл қўйларнинг завод типини яратиш учун 20 йилдан ортиқ вақт сарфлади. Бу ютуққа П.В.Арапов, Е.В.Одинцова, Е.А.Поманский, И.Н.Дьячков сингари олимлар, мутахассислар катта хисса қўшдилар. Улар собиқ иттифоқнинг йирик шаҳарларидаги илмий муассасалардан чўлга келиб ишлаб, яйловнинг иссиқ-совуғини чўпонлар билан тенг тортиб, қаттиқ ирода, бардош, матонат билан ишладилар. Илмий ишларини давом эттирдилар. Бу борада Б.А.Веторок, Б.В.Гречин, Х.С.Даутов, Д.Ф.Бойко, И.Д.Харченко, И.М.Ибрагимов сингари мутахассисларнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. Ашур Авазов, Авлиёкул Авазов, Шомурот Саидов, Қиёс Раимов, Сафар Қурбонов, Омон Қодиров, Жонкул Ғоипов, Боймурот Элбоев, Ҳайит Арабов сингари бош чўпонлар, яйлов баҳодирлари умрларини, ақл-заковатларини хўжаликнинг иқтисодиётини кўтаришга, шуҳратини оширишга, наслчилик ишларини такомиллаштиришга бахшида этдилар. Уларнинг меҳнатини, фидокорлигини ҳар қанча эъзозласа арзийди. Хўжалиқда наслчилик ишларининг ривожланиши тўғрисидаги манбаларда қайд этилишича, агар 1943 йилда тўл пайтида ўстиришга қолдирилган урғочи қўзиларнинг 9 фоизи биринчи классли бўлган бўлса, 1951 йилга келиб бу кўрсаткич 34 фоизни ташкил этган. 1940 йилда қоракўл териларнинг 63 фоизи биринчи сортларга топширилган. 1939 йилдан 1951 йилга қадар совхоздаги биринчи ва элита классли совлиқларнинг сони 1063 бошдан 10071 бошга етказилган. Хўжаликнинг бевосита наслчилик ишлари олиб бориладиган совлиқлари жами чорва молларининг қарийб 39 фоизини ташкил этган.

1952 йилда Иван Дьячков билан хўжаликнинг бош зоотехниги И.Иброҳимов ҳамкорлигида наслчилик ишларини янада такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилган. Бу дастур 1956 йилгача амалга ошириладиган ишларни ўз ичига олган. Эндиликда қоракўл териларнинг сифатини янада яхшилаш, зотдор қўйлар, кўчқорлар сонини кўпайтириш вазифаси қўйилди. Қоракўл териларни жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб берадиган қилиб етиштириш, рақобатбардoshiлигини ошириш лозим эди. Ҳали қоракўл

териларнинг жунида бир мунча дағалликлари бор. Кўзилар терисининг қорин ости қисмининг гуллари талаб даражасида эмасди. Териларда ранглар аралашиб тушарди. Бу нуқсонларни тугатиш борасида қатъий, изчил ишлар олиб борилди.

Бу орада совхоз йирик, кўп тармоқли хўжаликка айланди. Наслчилик билан биргаликда, чорвачиликнинг бошқа тармоқлари, деҳқончилик ҳам ривожлантирилди. 1952 йилда совхозда қарийб 42 минг бош қўй, 104 бош қорамол, 160 бош йилқи, 181 бош туя бор эди. Уша йили совхоз давлатга қарийб 13 тонна гўшт, 5 тонна сут, 12 минг донадан ортиқ қорақўл тери, 10 тонна жун, 6 тонна бринза топширган. Совхознинг моддий техника базаси ҳар жиҳатдан мустаҳкамланган. Чўпонларнинг меҳнат қилиш, яшаш тарзлари яхшилانган. Моддий манфаатдорликлари оширилган. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга катта маблағлар сарфланган. 1952 йилда совхоздан олис яйловларда 44 та замонавий иссиқ қошарлар қурилган. Уларнинг қошида чўпон уйлари ҳам қурилган, 65 та қўтон, 150 бош отга мўлжалланган отхона, 60 бош қорамолга мўлжалланган молхона қурилиб ишга туширилган. Яйловларда ўнлаб янги қудуқлар қазилган. Хўжаликда ҳаммаси бўлиб 500 нафарга яқин киши ишлаган. Улардан 60 нафари бош чўпонлар бўлган. 150 нафардан ортиқ ишчилар ем-хашак тўплаш билан шугулланган. Хўжаликда ишлаб чиқариш жараёнларини: қўйларни қирқиш, ем-хашак тайёрлаш, деҳқончилик ишларини олиб бориш техникалар ёрдамида бажарилган. Янги автомашиналар, тракторлар сотиб олинган. От-аравалар кенг қўлланилган. Т. Арслонов, Жаббор Искандаров, Оғаниёз Арниёзов, А. Бобоқулов, Абдулла Авазов, И. Авлиёқулов, Қурбон Мавлонов, К. Омонов, Ш. Даминов, Р. Чориев, И. Раҳмонов, Б. Эргашевлар бошчилик қилаётган отарларнинг қўйчивонлари айчиқса катта ютуқларга эришганлар. «Муборак»нинг олис саҳролар қўйнидаги яйловларида помуклик, қарлиқлик, хўжамубораклик, жейновлик, кўхнашаҳарлик, қорақумлик, қўшни Бухоро вилоятидан келган чорвадорлар бир оила фарзандларидек ёнма-ён ишлаганлар. Яйловнинг қийинчиликларини, ҳаётнинг ташвишларини энгиб мардонавор меҳнат қилганлар. Уларнинг меҳнатлари, чорвачилик мутахассислари, раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлаб наслчилик ишларини ривожлантириб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш режаларини ортиги билан бажариб хўжаликнинг довруғини мамлакатга ёйганлар. Уни тараққиётнинг ойдин йўлига олиб чиққанлар. Бугунги авлодлар, уларнинг фарзандлари, набиралари фидокор боболарининг меҳнатини, жасоратларини дилда ҳурмат, эҳтиром билан эслайдилар. Уларга муносиб яшаб, меҳнат қилиб, уларнинг бошлаган хайрли ишларини шараф билан давом эттириб келаяптилар. Оталар ҳаёти, меҳнати фарзандлар тимсолида яшайди. Давом этади. Инсон ҳаётининг, хайрли ишларининг умрбоқийлиги ана шундадир.

Сарчқ, Майманоқ қишлоқ советларига қарашли бўлган колхозлар ҳам 1957 йилда «Муборак» совхозга қўшиб берилди. Улардаги қорақўли қўйларнинг зотини ҳам яхшилаш, улардан ҳам

юқори сифатли қоракўл терилар олиш вазифаси хўжаликнинг раҳбарлари, мутахассислари, чўпонлари олдиди асосий вазифа бўлиб турарди. Бу хўжаликларнинг ҳам 25 минг бош қўйлари совхозга кўшилди. Уша йили хўжалик чорвадорлари давлатга маҳсулот топшириш режаларини ортиги билан уддалаб, 341 минг сўм соф фойда олдилар. Хўжаликнинг 56 нафар чўпонлари, мутахассислари Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари кўрғазмасига бориб келишди. Бу катта эътибор намунаси эди. 1958 йилда совхозга А.С.Заимкин директорлик қилган. Хўжаликнинг яйловларида 81 минг бошдан ортик совлиқлар боқилган. Уларнинг ҳар 100 бошдан 110 бошдан кўзи, ҳар 100 бош сигирдан 70 тадан бузоқ олинган. Совхоз ташкил топган куннинг 30 йиллиги нишонланган. Юбилей тантаналарида ўтган 30 йил ичида совхоз давлатга 800 минг дона қоракўл тери, қарийб 55 тонна жун, 96 тонна гўшт топширганлиги мамнуният билан қайд этилган. Колхоз ва совхозларга 250 минг бош наслдор совлиқлар, кўчқорлар берилганлиги таъкидлаб ўтилган.

Ўттиз йиллик тантаналарида совхознинг эришган ютуқларига ҳисса қўшган, меҳнатда алоҳида фаоллик кўрсатган чорвадорларнинг номлари кўрсатиб ўтилган. Булар бош чўпонлар А.Авазов, Д.Ғоипов, К.Раимов, Ш.Саидов, А.Қодиров, И.Раҳмонов, И.Даминов, А.Арниёзов, Р.Халимов, А.Бобоқулов, Т.Авазов, А.Бобоев, Р.Шарипов, Р.Эргашев, Сафар Қурбонов, Р.Эгамов, Жаббор Искандаров, Б.Отаниёзов, У.Авазов, А.Авлиёқулов, Р.Жумаев, А.Акрамов, Р.Хўжаев, Ражабқул Қувончиев, К.Тошев, А.Чўлиев, Д.Отамуродов, Й.Кўмаков, Б.Рўзиевлардир. Совхоз директори Заимкин, бош зоотехник Н.Бадалбоев, бош ветврач Гринко ва ферма мудирлари А.Жалилов, Н.Ботимов, К.Ҳамроев, А.Ҳалимов, бўлим бошқарувчилари К.Чориев, С.Зиётов, Х.Удаев, бош ҳосилот А.Саидовларнинг хизматлари беқиёс каттадир. Бу даврга келиб совхоз наслчиликда ҳам, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам республикамиздагина эмас, иттифоқ миқёсида ҳам етакчи ўринни эгаллаб турарди. Қоракўлчилик билан биргаликда, ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, отчилик, паррандачилик, чўчқачилик, сутчилик юқори даражада ривожланганди. Бу тармоқларнинг барчаси соф фойда берарди. Уша даврда совхозда ҳаттоки, пилла ҳам тайёрланган. Буларнинг барчаси ватан, халқ манфаати йўлидаги фидокорона меҳнатнинг, изланишнинг самараси эди. Маълумотларда қайд этилишича, совхоз биргина 1963 йилда 3456 гектар майдонда деҳқончилик қилиб ғалла етиштирган. Совхознинг жуда катта кучланишли 5 та электростанцияси бўлган. Клублар, кутубхоналар, мактаблар, олис яйловларда яшаётган чўпонларнинг болалари учун интернатлар қурилиб ишга туширилган. Хўжаликнинг марказий кўрғони ҳозирги А.Навоий номли маданият ва истироҳат боғининг ўрнида бўлган.

Наслчилик ишларини такомиллаштириш, қоракўл қўйларнинг юқори сифатли жакет сортли тери берадиган завод типидаги зотларини яратиш борасидаги катта илмий ютуқлари учун 1961

йилда "Муборак" совхозига Давлат наслчилик заводи мақоми берилди. Хўжаликнинг обрўси, нуфузи ошди. Моддий-техника таъминотини янада яхшилашнинг янги катта истиқболлари очилди. Бу завод Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтига қарашли бўлиб, унинг илмий тадқиқотлар олиб бориладиган таянч марказларидан бири сифатида фаолият кўрсатарди.

1960-1965 йилларда "Муборак" Давлат наслчилик заводи собиқ иттифоқнинг хўжаликларига, чет мамлакатларга 21 минг бошдан ортиқ наслдор кўчқорлар етказиб берган. Давлатга 101 минг донга яқин юқори сифатли жакет сортли қорақўл терилар топширган. 1964 йилда хўжаликнинг соф фойдаси 302 минг сўмни ташкил этган. Давлат наслчилик заводи 1966 йилда Лейпциг ярмаркасининг олтин медали ва дипломи билан тақдирланган. Завод директори Заимкин Ленин ордени, Ш.Жумаев, Ж.Кулчиевлар Меҳнат Қизил байроқ ордени билан, С.Курбонов, М.Худойбердиев, Р.Жумаев, Р.Ғиёсов, Р.Қувончиев, Р.Ширинов, К.Эронов, А.Авазов, Р.Кўзибоев, У.Авазов, А.Акрамов, К.Омонов, А.Эргашев сингари бош чўпонлар, ферма мудирлари ҳам орден ва медаллар билан тақдирланганлар. Завод собиқ иттифоқ миқёсида қорақўлчиликни ривожлантириш, Ўзбекистон қорақўлчилиги шухратини бутун дунёга ёйганлиги тан олинган. "Муборак" Давлат наслчилик заводида яратилган қорақўл қўйлар зоти республикамизнинг вилоятимиздаги, Сурхондарё вилоятидаги, Хоразм вилоятидаги, Қорақалпоғистон автоном республикасидаги жами 45 та туманидаги қорақўлчилик хўжалиklarини ташкил этишга асос бўлган. Заводда етиштирилган жакет сортли қорақўл тери берадиган совлиқлар, кўчқорлар Болгария, Руминия, Чехословакия, Югославия сингари чет мамлакатларга ҳам етказиб берилган. Улар ўша мамлакатларда ҳам мунтазам юқори сортли терилар беришарди. Асл айнинамайди, деганларидек, мубораклик чорвадорларнинг меҳнати, ақл-заковати, изланиши, илмий ечимлари туфайли табиатнинг سخовати билан яратилган, урчишиб кўпайтирилган наслдор қорақўл қўйлар зоти жаҳонда барқарор яшарди. Баракали тўл, олтин билан баҳоланадиган қорақўл терилар беради. Мубораклик чорвадорлар мустақил мамлакатимизнинг, миллатимизнинг фахри бўлиб яшар келарди.

КАМОЛОТ ДАВРИ

Бепоен яйловларда фидокорона меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқлар, раҳбар ва мутахассислар, наслчилик ишларини такомиллаштириш борасида катта ютуқларга эришган олимлар, хўжаликнинг барча ишчилари, аҳолиси, хўжалик чорвадорлари билан ҳамкорликда ишлаётган Самарқанд шаҳридаги Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий тадқиқот институтининг олимлари "Муборак" Давлат наслчилик заводи ташкил топган куннинг 40 йиллигини 1968 йилда катта шодиёналик билан нишонладилар. Бу даврга келиб

хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳалари тараққий топган, бу ерда етиштирилган қора марвариддек товланувчи терилар берадиган қорақўли қўйларнинг доврўғи бутун Совет иттифоқи, жаҳон мамлакатларига кенг ёйилганди.

Завод чорвадорлари юбилейни муносиб меҳнат совғалари тайёрлаган ҳолда кутиб олдилар. Уша йили завод бўйича ҳар 100 бош совлиқдан 115 бошдан қўзи олишга, давлатга 19800 дона юқори сортли қорақўл тери топширишга, 127 тонна жун, 10 тонна сут ишлаб чиқаришга эришилди.

К.Қурбонов, К.Бойсариев, Д.Чориев, Р.Қўзибоев, С.Қурбонов, С.Омонов, Р.Ғиёсов, Р.Ширинов, С.Рўзиев, Д.Отаниёзов, Ж.Искандаров, Р.Жумаев, А.Акрамов, Р.Хўжаев сингари чўпонлар хўжаликнинг фаҳри, ифтихори бўлиб қолишганди.

...Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, бир пайтлар иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда заиф бўлган, қорақўл териларининг нави паст бўлган хўжалик эндиликда, қорақўл қўйларнинг жаҳон бозори рақобатларига бемалол бардош берадиган юқори сифатли қора терилар берадиган зотларини бошқа хўжаликларга етказиб берадиган асосий базасига, айна пайтда наслчилик ишларини янада такомиллаштиришнинг чўлдаги, яйловдаги, саноат, маданият марказларидан юзлаб километр олисликдаги таянч пунктига, лабораториясига айланиб қолганди. Бу ерда қорақўлчилик ишлари илмий-тадқиқотлари бирор йил ҳам тўхтагани йўқ.

1960-1976 йилларда "Муборак" Давлат наслчилик заводида қорақўл қўйларнинг муттасил жакет навли қора терилар берадиган янги зотларини яратиш борасида наслчилик ишлари олиб борилди. Молларнинг маҳсулдор, муттасил яхши зот берадиган зотларини яратиш, кўпайтириш борасида изланишлар изчиллик билан давом эттирилди. Давлат наслчилик заводида қорақўл қўйларнинг муттасил жакет навли қора терилар берадиган наслчилик отарлари вужудга келтирилди. Бу отарлардаги барча ишлар наслчилик борасидаги мутахассисларнинг, олимларнинг назоратлари остида бажариларди. Бу отарлардаги совлиқлардан олинган жакет навли терилар гулларининг нафислиги, майинлиги, бир текислиги, яна такрорлаймиз, қора марвариддек товланиб туриши, оҳанграбодек жилоси билан ҳаммини лол қолдирарди. Бу терилар табиатнинг ҳақиқий мўъжизаси, инсонга бахш этган бебаҳо инъомидир.

Заводда 1970 йилда давлатга 15826 дона қорақўл тери топширилган. Шундан 93 фоизи биринчи сортга, жумладан 33 фоизи жакет группасига қабул қилинган. 1976 йилда эса 20 минг дондан ортиқ қорақўл тери топширилган. Шундан қарийб 98 фоизи биринчи сортга, жумладан 61 фоизи жакет группасига қабул қилинган. Завод чорвадорлари ҳар йили наслчилик хўжаликларига 1000 бошдан ортиқ наслдор қўчқорлар етказиб беришган. Ана шу даврнинг кейинги 5 йилида қорақўлчилик хўжаликларига 16 минг бошдан ортиқ наслдор қўчқорлар, совлиқлар жўнатилган. Савхознинг наслдор қўчқорларнинг фермасига фидокор, олийжаноб инсон ҳамманинг устози Абдурахмон

Халимов 40 йил мудирлик қилган. Наслчилик борасидаги ютуқларда унинг ҳиссаси беқиёс каттадир.

1976 йилнинг апрелида тармоқлараро эксперт комиссияси "Муборак" Давлат наслчилик заводида қоракўл кўйларининг завод тили отарларини текширишдан ўтказди. Ана шу текшириш якунларига кўра қора рангли қоракўл терилар берадиган кўйларнинг янги Муборак завод зоти яратилганлиги эътироф этилди. Бу қоракўлчилик фанида оламшумул аҳамиятга эга бўлган янгилик, кашфиёт эди. И.Н.Дьячков, Т.Б.Чихиринадзе, И.В.Барковский, А.С.Заимкин, А.Темиров, И.У.Ургенчев, Н.Сариқов, Ҳ.Оқмаматов, Б.Қурбонов, Б.Ҳамроев сингари олимлар, мутахассислар, хўжалик раҳбарлари, Абдулла Авазов, Сафар Қуроонов, Жаббор Искандаров каби бош чўпонлар янги завод типигаги совлиқлар зотининг ижодкорлари, яратувчилари, деб қайд этилдилар.

Қоракўлчиликда наслчилик ишларини ташкил этишнинг, қатъий тартиб-қоидалари бор. Аввало, ҳар бир наслчилик отарида ҳисоб-китоб, наслчилик ишлари журнали юритилади. Отарда мавжуд бўлган барча совлиқлар қулоқларидаги сирғаларнинг номери билан ана шу журналда ҳисобда турадилар. Бундай отарларда одатда 600-800 бошдан совлиқ боқилади. Бир хил рангдаги терилар бўйича ҳам элита, биринчи классли, иккинчи классли, аралаш классли отарлар бўлади. Наслчилик отарларидаги барча совлиқлар кузда сунъий усулда қочирилади. Одатда қайси отарлардаги совлиқлар қайси қўчқорлардан қочирилиши олдиндан белгиланган бўлади. Узоқ йиллар тадқиқот ўтказиш натижасида қайси типдаги қўчқорлардан қайси типдаги совлиқлар қочирилса, энг яхши тўл, юқори сортли тери бериши аниқлаб олинди.

Сунъий қочириш пайтида қайси номерли кўй қачон, қайси қўчқордан қочирилганлиги отарнинг журналига ёзиб қўйилади. Баҳорда совлиқлар кўзилаганда, кўзилар бонитировқа қилинади. Бунинг маъноси шундан иборатки, маълум бир қўчқордан қочирилган кўй қандай тўл берганлиги ҳалиги журналда қайд этилади. Кўзичоқнинг терисининг нави, сорти, класси аниқланиб, баҳоланиб, ҳалиги отар журналига ёзиб қўйилади. Бу журналга қараб сунъий қочириш натижасида қайси совлиқ қандай тўл берганлигини ёки истасангиз, кўзичоқнинг отасини, онасини билиб олишингиз мумкин. Бу журнал маълум бир қўчқор ва кўйдан қандай тери олинганлигини аниқ кўрсатиб туради. Энг яхши натижалар ана шу асосда кўпайтириб, ривожлантириб борилади. Кўзичоқ терисининг барча сифатлари журналда қайд этилади. Бу ҳақиқий тажриба, тадқиқот, иزلаниш, илмий иш ҳисобланади. Бу борада яйлов баҳодирлари орасида ўнлаб йирик амалиётчи тажрибакорлар, илмиш ишлари ёзилмаган, кашфиёт сифатида йирик академиялар томонидан эътироф этилмаган халқ олимлари бор.

Муборак тумани ташкил этилганида "Муборак" Давлат наслчилик заводи 50 ёшда эди. Бу даврда заводга, Номоз Саричовдан кейин, Ҳайит Оқмаматов директорлик қиларди.

Хўжаликнинг иқтисодий жиҳатдан, наслчилик борасида, чорвадорларнинг турмуши даражаси жиҳатидан тараққиётининг катта бир даври Ҳайит Оқмаматовнинг номи, меҳнати билан

боғлиқдир. Ҳайит Оқмаматов чўпон оиласида туғилиб камолотга етган. Билимдон, тadbиркор раҳбар, чорвадорларнинг ҳаёт ташвишларини, муаммоларини яхши билган мутахассис сифатида иш олиб борди. У аввало, заводнинг фаҳри бўлган наслчилик ишларини изчил давом эттиришга, ривожлантириб боришга эришди. Заводнинг республикамиздаги, Иттифоқ миқёсидаги қорақўлчилик институтлари билан ҳамкорлиги янада яхшиланди. Илмий тадқиқот, ҳисоб-китоб ишларида тартиб, интизом кучайтирилди.

“Муборак” Давлат наслчилик заводи Иттифоқ миқёсидаги хўжалик ҳисобланади. Бундан фойдаланиб, аввало, хўжаликнинг машина-трактор паркини энг замонавий техника воситалари билан мустаҳкамлади. Хўжаликдаги автотранспорт, трактор тележкаси, ем-хашак тайёрлаш техникаси воситалари бир туманга татийди. Хўжаликнинг барча фермалари марказида чорвадорлар посёлкаси бунёд этилди. Турар жойлар, шифохоналар, мактаблар, қирқимхоналар қурилди. Ем-хашак базалари вужудга келтирилди. Ферма бўйича ем-хашак бир жойга жамғарилиб, шу ерда майдалаб отарларга жўнатиладиган бўлди. Ҳар бир отарда кошарлар, иссиқхоналар, кўтонлар, чўпон уйлари қурилди. Фермаларнинг марказига йўллар чиқарилди. Телефон ўтказилди. Электр энергияси олиб келинди.

Минглаб гектар янги бедазорлар, изенлар, саксовуллар экилиб, яйловлар яратилди. Чўпон-чўлиқларга қишки усти бош бериш, кўзини режадан ортиқча қолдирганлиги учун, чиқимга йўл қўймаганлиги учун натура сифатида қўй ва кўзилар бериш жорий этилиб, такомиллаштириб борилди. Хўжалик ишлаб чиқаришининг барча жиҳатларида назорат, ҳисоб-китоб кучайтирилди. Чиқим қатъий назоратга олинди. Қари қўйлар, валухлар яхшилаб боқилиб, белгиланган семизлик даражасига етказилгач, гўштликка топшириладиган бўлди.

Хўжалик ўзининг 50 йиллик юбилейини ана шундай камолот даражасида кутиб олди. Юбилейда “Муборак”нинг наслчилик, иқтисодий, ижтимоий соҳаларидаги катта ютуқлари қайд этилди. Мен хўжаликнинг тарихини, тараққиётини, мазкур ҳудудда тутган ўрнини таҳлил этарканман, яна бир нарсага ишонч келтирдим. Муборак туманининг ташкил топишида ҳам “Муборак” хўжалиги жуда катта рол ўйнаган. Чўлнинг олис қаърида ташкил топган хўжалик ўтган эллик йиллик фаолияти давомида, шу ерда катта бир ҳудудий марказ ташкил топиши учун иқтисодий, ижтимоий, маънавий манба, имкон яратган. Бу ерда дастлаб келган нефтчиларга, газчиларга чўпонлар нон-туз берганлар. Улар чорвадорлар экан дарахтларнинг соясида дам олишган. Қурган уйларида яшаганлар. Йирик саноат корхоналарининг, шаҳарнинг пойдеворини қўйганлар. Туман ташкил топганида ҳам “Муборак” дастлаб ишга келган раҳбарларнинг, мутахассисларнинг қўналғаси, биринчи бошпанаси бўлганлигини, Ҳайит Оқмаматов ана шу хонадоннинг бағри кенг соҳиби сифатида ҳамма яхши инсонларни кутиб олганлигини, чўлда

кўним топиб ишлаб кетишларига ёрдам берганлигини жуда кўпчилик миннатдорчилик билан эътироф этади. Поёнсиз яйловларда туғилиб ўсган чўпонларнинг бағрикенглиги намунасидир бу. Уларнинг бағри кенг, фикри теран, дунёқараши тоза, қалблари сахий бўлади. Яйловларда туғилиб ўсган болалар ақлий, маънавий жиҳатдан эртачи камолотга етишадилар.

Чўпонларда бир ақида бор. Чўлда макон тутган чўпоннинг уйига кириб келган, унинг тақир тўшагида ором олган, фақирона таомидан баҳраманд бўлган киши худонинг элчисидир. У ўзининг ана шу ташрифи билан кимсасиз яйловда яшаётган, меҳнат қилаётган чўпоннинг ҳаётини ташқи дунё билан боғлайди. Унинг борлигини ўзига ҳам, дунёга ҳам англайди.

"Муборак" Муборак туманининг ташкил топишига ана шундай имкон яратди, имкон бўлди, уни шундай кутиб олди. Ташкил топиб камолга етиб боришига моддий, маънавий қувват бериб, қувват бўлиб келди. "Муборак" хўжалигининг етмиш йиллиги, Муборак туманининг йигирма йиллиги бир йилда, бир вақтда нишонланишида ана шундай фалсафий боғлиқлик, алоқадорлик бор. Ҳаётда ҳамма нарса ва ҳодисалар бир бирига боғлиқ ва алоқадордир. Уни кўра билиш, англаш, ўз вақтида эътироф қила билиш керак.

Олийжаноб, саховатли инсон яшаётган ҳовли ёнида уй қурмоқ осондир.

Хўжаликнинг ташкил топишига, ҳар жиҳатдан тараққиётга эришиб бугунги камолот даражасига етишига ўзларининг муносиб, самтарона ҳиссаларини кўшган фахрийлар билан учрашиб суҳбатлашдим. Уларнинг ҳикоялари, хотиралари хўжалик тараққиётининг турли даврларига ойдинлик киритади. Бу ҳақда кишига тасаввур беради.

Қурбон бобо Ҳайитов ҳозир 77 ёшда. Бахтли кексалик гаштини сураяпти. Хўжаликда 1939 йилдан бошлаб оддий чўпон, бош чўпон, зоотехник вазифаларида ишлаб келган. Самарқанд шаҳрида зооветеринария техникумини тугаллаган. Беш йил Улуғ Ватан уруши жангларида қатнашган.

-Хўжаликда урушдан олдинги йилларда меҳнат фаолиятини бошлаганман, -дея ҳикоя қилади Қурбон бобо. Бир қатор қийинчиликлари бор эди. Хўжаликда ўша даврда Ниёзхон, Ўтрор, Ширинбулоқ фермалари бор. Яйловлар олис эди. Кўшработ, Эшакработ, Муллапирназар, Уртабулоқ, Тошқудук, Зеварда, Аланг, Чуммак, Ёнбош, Сўхта деган яйловларида қўй боқиларди. Улар хўжалик марказидан олис, транспорт етишмасди. Совхознинг марказига ичимлик суви поезд билан, цистерналарда Бухородан, Қаршидан келтириларди. Станцияда катта ҳовуз бор эди. Сув поездда келтирилиб ана шу ҳовузга қуйиларди. Ҳовуздан халққа кунига икки марта ширин сув бериларди. Фермаларга ҳам шу ердан от аравада ёғоч бочкаларда ташиб келтириларди. Чўпонлар яйловларда бироз чучукроқ қудуқ сувларини ичишарди. Хўжаликнинг, раҳбариятнинг халққа ғамхўрлиги яхши эди. Омбордан

ғалла, ёғ бериларди. Қўй сўйиб бериларди. Наслчиликда тартиб, интизом қаттиқ, бирорта наслдор совлиқни, қўчқорни, териси сифатли қўзини сўйишга, нобуд қилишга йўл қўйилмасди. Совуққонлик, талон-торож, нобудгарчилик учун жазо жуда қаттиқ, шафқатсиз бўларди. Хўжаликнинг ғалласи, гўшти, ёғи ўзига, халқига етарди...

-Урушдан олдин совхозда газета ҳам чиққан экан?..

-Газета чиқарди. Мана ҳозирги паркнинг ичида босмаҳонаси бўларди. Уша ерда газетани қўлда териб босишарди. Ҳозирги "Муборак ҳаёти" газетасининг бир варағида, икки бет газета чиқарди. Номи ҳам... "Социалистик қоракўлчи..." эдим-ей...

- "Социализм қоракўлчилиги учун"...

- Балли. Худди ана шу номда газета чиқиб турарди. Совхознинг фаолиятини ёзарди. Урушгача чиқиб турганини биламан. Сўнгра урушга кетдим. Назаримда кейин чиқмай қолган...

Суҳбатдошим Абдурахмон Ҳалимовни, Абдинаби, Абдигани, Ражаббой Жамиловларнинг номларини фахр билан тилга олди.

Бозор Ҳамроев ҳам совхозда турли масъул вазифаларда ишлаган. Юзлаб фидокор, матонатли кишилар қаторида хўжалик тараққиётига ҳисса қўшган. Ёши етмишдан ошганлигига қарамасдан хали бардам-бақувват. Тенгдошлари, хўжаликнинг раҳбарлари, меҳнаткашлари, яқин қишлоқларнинг аҳолиси у кишини "Бозор шоир" деб атайдилар. Шоиртабиат, ҳозиржавоб қария. Шеър тўқишдан, уларни давраларда ўқиб беришдан эринмайди. Таҳририятимизга ҳам келиб туради. Ижод намуналарини газетада берганмиз.

-Иккинчи жаҳон уруши йилларида совхозимиз чорвадорлари катта фидокорлик, ватанпарварлик кўрсатишди, -дея эслайди отахон.- Иигитлар фронтга кетиб, асосий оғирлик кексалар, ёш болалар, аёлларнинг зиммасида қолганди. Мен аёлларимизнинг куч-қувватини ўшанда кўрганман. Аёллар урушга кетган эрларининг, ўғилларининг ўрнига қўй боқишарди. Зарбдор бригадаларга кириб ем-хашак жамғаришарди. Қайчи билан жун қирқишарди. Юзлаб гектар майдонларнинг ғалласини ўроқ билан ўришарди. Аёлларнинг меҳнатидан қорин ҳам, кўнгил ҳам тўқ, уларнинг меҳнати натижаси, маҳсулоти фронтга ҳам етиб борганди. Ҳар бир отарда кўзиси сўйилган юзлаб қўйлар соғиларди. Бу қўйлар ферма марказига келтирилиб соғиларди. Бундан ташқари кўзили қўйларнинг ҳам кўзиси ажратилиб ора-орада соғиб туриларди. Фермаларнинг марказида сператорлар ўрнатилган. Улар қўл кучи билан ишлатиларди. Қўй сутининг қаймоғи ажратилиб, сметана, сариёғ қилинарди. Шу ернинг ўзида бринза, сузма, чакки, сир-пишлоқ тайёрланарди. Ана шуларнинг ҳаммаси фронтга, жангчиларга ҳар куни жўнатиб туриларди. Бундан ташқари фронтга гўшт, ғалла, қоракўли пўстинлар, самолёт, танк сотиб олиш, ясаш учун пул тўплаб берардик. Чорвадорларимиз, чўпон-чўликларимиз, аёлларимиз ана шундай меҳнат қилдилар. Бу оммавий жасорат, қаҳрамонлик, фидокорлик, ватанпарварлик намунаси эди...

-Меҳнат фаолиятимни 1942 йилда "Муборак" совхозининг Ўтрор фермасида Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот

**МУБОРАК ҚОРАҚЎЛЧИЛИК-НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ
ҲАЁТИДАН СУРАТЛИ ЛАВҲАЛАР**

ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ



В. А. Петров



Б. В. Гречин



Д. Ф. Бойко



Б. Н. Отақурбонов



Алексей Заимкин



Бозор Муродов



Намоз Сариков



Ҳайит Оқмаматов



Олим Оқмаматов

ХҶЖАЛИКНИНГ БОШ МУТАХАССИСЛАРИ



**Шомурод
Рўзимуродов**



**Нурилло
Курбонниёзов**



**Ёзмурод
Ўдаев**



**Ғолибулла
Насруллаев**



**Нормурод
Отаниёзов**



**Бозор
Ҳамраев**



**Жуманазар
Куллиев**



**Ҳамро
Авазов**



**Норкул
Ёмгирон**



**Наврўз
Авазов**



**Рамазон
Авазов**



**Жуманиёз
Авазов**



**Саид
Рўзиев**



**Дурдиномо
Жигаева**

УМР ХОТИРАЛАРИ



Хайит ака отаси Оймамат бобо билан



**И. А.
Харченко**



**Норимон
Бадалбоев**



**Гиёс
Раҳимов**



**Курбонниёз
Ўдаев**



**Расул
Саидов**



**Абдугани
Жалилов**



**Тамара
Чихринадзе**



**Курбон
Хайитов**



**Жонкул
Ғойипов**



**Асад
Кенжаев**



**Иван
Дьячков**



Е. В. Одинцова



**Манат
Бойтимов**



**Валерий
Барковский**



**Қосим
Ахмиджонов**



**Анатолий
Арифьев**



**Курбонмурод
Ҳамраев**



Илӛс Жумаев



Е. Помянский



**Қаюм
Байсариев**



**Абдурахмон
Ҳалилов**



**Ҳўжалиқнинг ташкилотчиларидан бири Абдинаби Жалилов
фарзандлари билан**

АЖДОДЛАР ФАХРИ АВЛОДЛАРДА ЭТАДИ ДАВОМ



Олим Оқмаматов (чапдан иккинчи) хўжаликнинг бош мутахассислари ва фахрийлари даврасида.



Ҳайит Оқмаматов дўстлари Эргаш Тоиров билан ёшлар даврасида.



**Умринг мангулик лаҳзалари
Муборак тумани ва тумандаги хўжаликларнинг
раҳбарлари. 1988 йил. Декабрь**



Хайит Оқмаматов сафдошлари даврасида



Бош чорвашнос Нурулло Курбонниёзов (чапдан) Майдаёбу фермасининг мудири Курбоналиев ва дўстлари даврасида.



Ҳайит Оқмаматов донгдор чўпонлар Самандар Норбоев, Ражаббой Жумаевлар билан яйлов дастурхони атрофида.



**Устоз мураббий Ҳайит Оқмаматов Муборакнинг 8ш хўжалик
раҳбарлари даврасида.**



**Бош ҳисобчи Шомурод Рўзимуродов ўртада
ҳамкасблари даврасида**



**Умри узун хотиралар
Ҳайит Оқмаматов дўстлари Гулмурод Муродов ва
Абдурахмон Абдиев билан суҳбатда**



Вилоят қорақўлчилик трестининг бошлиғи Аҳмад Раҳмонов (Унда) Нурилло Курбонийёзов, Ҳайит Оқмаматов қорақўл териларининг сифатидан мамнун.



Ниёзахон фермаси мудири Ж. Қулиев фахрийлар даврасида



**Ҳайит Оқмаматов ферма мудирини Кудбон Алиев
билан суҳбатда**



**Меҳнат фахрийсини Ражаббой Жалилов, Тўхтамурод
Жўраев, Ёзмурод Удаев ўз арасида суҳбатда**

институторининг ходими Иван Никитович Дьячковга ёрдамчиликдан бошлаганман, -дея ҳикоясини давом эттиради Бозор Ҳамроев. - Тошкент шаҳридаги зооветеринария техникумини тугатгандим. Хўжаликда жақет навли қорақўл териларни яратиш устидаги илмий ишлар ана шу Ўтрор фермасида ташкил этилганди. Илмий ишларни Иван Дьячков олиб борарди. Наслдор қўйларни, қўчқорларни танлаш, сунъий қочириш, қўзиларни ҳисобга олиш, наслчилик ишларининг натижаларини таҳлил этиш, ишнинг яхши жиҳатларини давом эттириб ривожлантириб бориш устида ишлардик. Илмий изланишлар алоҳида наслчилик отарларида, наслдор совлиқлар жамланган сурувларда олиб бориларди. Шундай сурувларда 600-700 бошдан совлиқлар бўлиб, улар энг яхши насл берадиган 6-7 та қўчқордан сунъий усулда қочириларди... Ишимизни шу усулда олиб бордик. Натижалари йил сайин яхшиланиб, кўриниб борди. Хўжалигимиз мамлакатга, дунёга танилди. Довруғи ошди. Юбилейларининг йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш йиллигини нишонладик. Шу йили насиб этса етмиш йиллигини нишонлашга ҳам яқинлашиб турибмиз... Қанча йиллар ўтиб кетди. Қанча одамлар ишлаб ўтишди...

-Ўтрор фермасининг, хўжаликнинг раҳбарларини тўлиқ эслай оласизми?..

-Ўтрорда Личкин, Валиулин, Тўра бобо, Тангри Авазов, Янги Ҳайитов, Ражаббой Хўжиёв сингари тадбиркор, фидокор кишилар ферма мудирини бўлиб ишлаганлар. Бунга анча йиллар бўлди... Совхозимизда директорлар илгари жуда кўп алмашган. Шароит оғир, талаб катта бўлган. Бунга кўпчилик бардош беришолмаган. Директорларнинг ҳар бири ўз даврида хўжаликни ривожлантиришга, наслчиликни яхшилашга, одамларга ғамхўрлик кўрсатишга катта ҳиссаларини қўшганлар. Қўлларидан келган, қучлари етган ҳамма хайри ишларни қилишган. Биз уларни ҳурмат билан эслаймиз. Совхозга В.Петров, В.Гречин, Д.Бойка, У. Ўрмонов, Қулжоноз, Б.Отақурбонов, Тархан, Гайказян, Алексей Заимкин, Таваровский, Левиев, Аббосов, Анна Сергеева, Бозор Муродов, Намоз Сариковлар илгари директорлик қилишган. Ҳозир эса, ўзингиз яхши биласиз, хўжаликка тадбиркор, талабчан раҳбар, халққа ғамхўр инсон Ҳайит Оқмаматов раҳбарлик қилаёпти. Э, бу ерда қандай катта олимлар, яхши инсонлар ишлади! Келиб кетишди! Санаб санаётига етиб бўлмайди. Баҳорда, қўзилатиш даврида бутун иттифокдан, чет эллардан раҳбарлар, мутахассислар, институтлардан талаба қизлар, йигитлар келишарди. Яйловларимиз сайилгоҳга, байрамга айланиб кетарди. Аббосов деган директоримиз ҳозирги киносанъаткоримиз Шухрат Аббосовнинг отаси бўладилар...

...1989 йилнинг бошида, туман ҳокимлигининг катта мажлислар саройида, туман бўйича 1988 йилнинг якунига бағишланган катта йиғилиш бўлди. Йиғилишда тумандаги барча sanoat, қурилиш, хизмат кўрсатиш корхоналарининг, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари қатнашдилар. Йиғилишни ўша даврдаги шаҳар

форда қўмасининг биринчи котиби Исроил Ҳамроев олиб борарди. Ҳисобот маърузаси тугаб, музокаралар бошланди. Сўз "Муборак" давлат наслчилик заводининг директори Ҳайит Оқмаматовга берилди. Биринчи катта таассурот инсон ёдида яхши сақланиб қолади. Ҳайит Оқмаматов хўжаликда совлиқлардан тўл олиш, насл учун ўстиришга кўзи қолдириш, давлатга қорақул тери топшириш, гўшт, жун, тухум тайёрлаш, ғаллачилик, бедачилик, полизчилик, сабзавотчилик борасидаги, яйловларда, фермаларнинг марказларида чўпон-чўлиқларга, уларнинг оилаларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида аниқ фактлар асосида гапириб ўтди. Унинг чорвадорлар ҳаёти, яйловларнинг ҳолати билан боғлиқ муаммолар ҳақидаги ғаллари айниқса катта таассурот қолдирди. Ҳайит ака геологлар, нефт ва газ қудуқларини ковлочилар, разведка қилувчилар яйловларда ўзбошимчалик билан иш олиб бораётганликлари, кучли машиналар, тракторлар, экскаваторлар, булдозерлари билан ўтлоқларни босиб-янчиб, ковлаб ташлаётганликларини гапирди. Бу асрлар оша дахлсиз яшаб келаётган яйловларнинг табиий ҳолатларига, бу яйловларда яшаб, кўпайиб, насл бериб келаётган жониворларнинг кўйу кўзиларнинг ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлади. Эътиборсизлик, лоқайдлик, ўзбошимчаликлар оқибатида яйловларгина эмас атроф муҳитга ҳам зарар етаётганлигини, яйловларга, ўтлоқларга кўплаб саноат чиқиндилари чиқариб тўкилаётганлигини, саксовуллар, юлғунлар аёвсиз кесиб кетилаётганлигини айтди. Яйловларнинг, еринг, тупроқнинг, сув ҳавзаларининг тозаллигини, дахлсизлигини таъминлаш, бу борада белгиланган қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш юзасидан туман раҳбарияти миқёсида тадбирлар, чоралар кўриш зарурлигини таклиф, қатъий тарзда талаб қилди.

-Ҳайит ака, нефтчилар, газчилар ҳам ўз вазифаларини бажаришлари керак. Улар сизнинг яйловларингизда бир меҳмонда... шуни ҳисобга олинг,-дея лўқма ташлади юқорида ўтирган раҳбарлардан бири.

-Хизмат вазифасини бажаришнинг улар учун ҳам белгиланган тартиб қоидалари бор!-деди Оқмаматов қатъий қилиб. - Яйловларнинг ҳолатини бузишга, ўт-ўланларни пайҳон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўтлоқларимиз, йўлларимиз ковлаб ташланган. Машиналаримиз, тракторларимиз отарларга ўтиб боришолмаяпти. Ўтлоқни, табиатни, сув ҳавзаларини бузишса, эртага юз минг бошдан ортиқ кўйни қаерда боқамиз. Меҳмон бўлишса, кўшимизга, уйимизга келишсин. Бош устига. Эшигимиз, дастурхонимиз ҳаммиша очик. Аммо яйловларимизни, ўтлоқларимизни пайҳон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бунга йўл ҳам қўймаймиз!

Гулдурос қарсақлар янгради. Директорнинг қатъийлиги ҳаммага маъқул бўлганди. И.Ҳамроев чорвадор директорнинг фикрини қувватлаб, мутасадди ташкилотларга кўрсатмалар берди.

-Э, шундай каттик турмаса, яйловлари оёқ ости бўлиб кетадида... Тўғри қилади! Баракалла, Ҳайит ака! -деди залда ўтирганлардан бири.

Мен республикада машҳур “Муборак” совхозининг салмоғига, доврўғига муносиб тадбиркор, талабчан, фикри, дунёқарашини яйловлари сингари кенг ва ёруғ раҳбари, хўжаликнинг, унинг яйловларининг ҳар ишга қодир кучли эгаси борлигини ўшанда англаб етгандим. Ҳайит ака тимсолида чорвадорнинг, чорванинг, чўлнинг ҳақиқий эгаси образини кўраман.

Менинг назаримда Ҳайит Оқмаматов ҳар сафар учратганимда меҳнатининг, инсоний фазилатларининг, дунёқарашининг яна бир ноёб қиррасини намоён этиб, образини тўлдириб боради. Мен у кишини баҳор яйловларида барра кўзичоқлар орасида болалардек севиниб юрганларида, хўтнинг қор аралаш ёмғирлари тагидан кўзиларни, кўйларни асраб қолиш учун елиб-югурганларида, ёзда хашак жамғарувчилар билан елкама-елка туриб тележкага пресс ортганида, қишда ўнлаб тракторларни, автомашиналарни қатор қилиб, ўзи олдига тушиб Қаршидан, Косондан ем келтираётганларида кўрганман. Қашқадарё тошиб қишлоқларига, яйловларига таҳдид қилганида ҳорғин нигоҳларига назар ташлаганман. Туман миқёсидаги мажлисларда хўжаликнинг фермалари марказларида, яйловларда турар жой, маиший биналар қуриш, йўлларни созлаш, табиий газ ўтказиш, ичимлик сув қувурларини тортиш борасидаги таклифларини, талабларини эшитганман. Менинг назаримда унинг бутун умри, ҳаёти, куч қуввати хўжалик манфаатларига бағишланган. Оилапарварлик, инсонпарварлик, меҳрибонлик, сингари катта инсоний фазилатлари ҳақида ҳам гапириб ўтиш керак. Шунда унинг образи тўлароқ бўлади..

Мен унинг фарзандларининг тўйида, ўзининг муборак эллик йиллик юбилейида ширин-шакар набираларига кўшилиб болалардек қувнаб рақсга тушганларини, ҳар бир меҳмонга қуллуқ қилиб қутлуғ хонадони остонасида ўзи кутиб олганлигининг гувоҳи бўлганман. Муборак ҳаж сафаридан қайтганида эса қутлуғ хонадони катта тўйхонага айланиб кетганди. Бу ташриф, бу ҳурмат унга инсонларга кўрсатган беқиёс катта ғамхўрликлари учун миннатдорчилик намунаси эди.

Йил бошида туман ҳокими Карим Остонов туман футбол федерациясининг ҳисобот йиғилишини ўтказди. Гап “Машъал” жамоасига ҳомийлик кўрсатиш масалаларига бориб тақалди. Шунда Ҳайит Оқмаматов футболчиларни иқтисодий жиҳатдан қўллаш бўйича биринчи бўлиб ташаббус кўтариб чиқди.

Бу ютуқлар, хислатлар барчаси Ҳайит Оқмаматов эришган буюк инсоний камолот намунасидир. Ҳаммага ҳам ана шундай камолот, элу юртнинг ҳурмати насиб этсин!

Халқининг, юртининг корига ярайдиган, камарбаста бўладиган, яхши, ёмон кунларида ҳамдам бўладиган яхши инсонлар ҳаётда жуда кўп. Тўғри, катта, очик, ойдин йўлдан юрсангиз, ҳаётга, атрофингизга ёруғ назар билан қарасангиз, уларни албатта кўрасиз. Кўра билиш, эътироф эта билишнинг ўзи ҳам катта инсоний фазилатдир.

Ҳайит Оқмаматов Самарқанд шаҳридаги қишлоқ хўжалиги

институтини тугаллаб зоотехниклик мутахассислигини эгаллаб келгач, дастлаб мана шу қадрдон совхозида катта зоотехник, бош зоотехник вазибаларида меҳнат қилди. Меҳнат фаолиятининг дастлабки давридаёқ катта фидокорлик, тадбиркорлик, ишчанлик, элу юрт иши учун жонкуярлик, чорвачилик ишларини ташкил қилиш борасида ташкилотчилик, наслчилик соҳасида изланувчанлик, ижодкорлик хислатларини, қобилиятларини кўрсатди. Халқнинг, раҳбарларнинг эътиборини қозонди. Хўжаликда бош зоотехник бўлиб юрган кезларидаёқ, қора рангли қоракўл тери берадиган қоракўл қўйларнинг янги «Муборак» зотининг ижодкорларидан бири, янги зотнинг муаллифи бўлди. Вилоят раҳбарлари уни Косон туманидаги «Ударник» номли чорвачилик совхозига директор қилиб тайинладилар. Оқмаматов бу ерда мустақил ҳолда ишлаб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, давлатга топшириш соҳасида катта ютуқларга эришди. «Ударник» унинг раҳбарлигида республикадаги илғор хўжаликлардан бирига айланди. 1978 йилнинг кузида, вилоят раҳбарлари, наслчилик ишларини янада такомиллаштириш, қоракўлчилигимизнинг мамлакат миқёсидаги ўрнини, обрўсини янада ошириш мақсадида Ҳайит Оқмаматовни «Муборак» Давлат наслчилик заводида директор қилиб тайинладилар. Отаси Оймамат Оқмаматов донгдор чўпон бўлган.

Мамлакатимиз миқёсидаги йирик, машҳур қоракўлчилик хўжалигининг бугунги тараққиёт даражаси Ҳайит Оқмаматовнинг йигирма йиллик раҳбарлик меҳнатининг, хўжаликнинг барча мутахассисларининг, чорвадорларининг, ҳар бир ишчи-хизматчисининг фидокорлиги, раҳбарнинг кўрсатган йўлидан бориб ишлаганликлари, белгиланган тадбирлар ҳамма соҳада ҳамisha тўлиқ, вақтида бажариб келинаётганлиги натижасидир.

Уша даврда Ҳайит ака ўттиз ёшдаги куч-қувватга айна тўлган серғайрат раҳбар, мутахассис эди. Хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларини, наслчилик ишларини кучайтириш билан биргаликда, заводнинг Номоз Сариков томонидан бошланган янги марказий кўргони қурилишини жадаллаштиришга астойдил енг шимариб киришди. Хўжаликнинг ҳозирги маданият ва истироҳат боғи ўрнидаги Марказий кўргони ҳеч кимни қаноатлантирмасди.

Марказий кўргон 1979 йилда қуриб битказилди. Унлаб турар жой бинолари билан биргаликда, икки қаватли муҳташам маъмурий бино, клуб, ҳаммом, мактаб, болалар боғчаси, автотрактор парки фойдаланишга топширилди. Марказий кўргон бир йўла газлаштирилиб, водопровод суви билан таъминланди. Марказий кўргон қурилиши билан бир пайтда яқка тартибда ҳовли жойлари қуриш учун хўжалик ишчиларига томорқа ерлари ҳам берилди. Унлаб чўпонлар, мутахассислар марказий кўргонда шинам уй-жойлар қуриб олдилар. Заводнинг марказий кўргони тезда замонавий шаҳарча кийёфасида қад ростлаб кўзга ташланди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилди. Марказий кўргон ёнида катта мевазор боғ яшнаб, саховат масканига айланиб, ҳар

йили мўл-кўл ширин-шакар мевалар бераяпти. Иссиқхонада лимонлар етиштирилаяпти. Идора атрофи яшил арчазор.

-Бу арчаларда ҳикмат кўп, - дейди донгдор чорвадор, хўжалик Ниёзхон номли фермасининг мудири Жуманазар Қуллиев, заминга мустақкам илдиз отиб яшнаб турган азамат дарахтларга мамнун нигоҳ ташлаб. - Қишда бироз қорамтир тусга киради. Ёзда ям-яшил бўлиб туради. Одамга шифо, хордиқ беради. Биз чўпонлар қишда қор босган, юзлаб чақирим жойларда бирор қора кўринмайдиган оппоқ саҳродан келганимизда қор олган кўзларимизни арчалар даволайди. Ёзда саҳро офтобидан куйган кўзларимизни яна даволайди. Тагида соясида ўтириб дам оламиз. Шу ерда йиғилишларимизни ўтказамиз. Бу бизлар учун бир ғамхўрлик. Директорга буни бир неча марта айтганман ҳам...

Мен ҳам хизматим даврида ўнлаб хўжаликларнинг маъмурий биноларини кўрганман. Пахтакор хўжаликларнинг ҳам кўпчилигининг идораси олди файзсиз, ҳувиллаб ётибди. Уларнинг раҳбарлари ҳам кўкаламзорлаштириш борасида чорвадор хўжалиқда қилинган ишлардан ибрат олсалар бўларди. Мана шу яшнаб турган дарахтлар ҳам хўжалиқдаги ютуқларнинг, қилинган ишларнинг катта бир кўринишидир.

Хўжаликнинг тараққиётига, эришган ютуқларига доир фактларни санаб санабга етиш қийин. Шу ўринда бир фактни таъкидлаб ўтиш ўринлидир. "Муборак" Давлат наслчилик заводи 1980, 1981, 1982, 1983, 1984, 1985, 1986, 1988 йилларнинг қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, давлатга топшириш, наслчилик ишларини такомиллаштириш борасида ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида мутлоқ ғолибликни эгаллаб, СССР Давлати ва ҳукуматининг кўчма қизил байроғини, эсдалик нишонини, қимматли совғаларини, пул мукофотларини қўлга киритган. 1970, 1975 йилларда наслчилик борасидаги ютуқлари учун Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг биринчи даражали дипломни, 1974 йилда иқтисодий ютуқлари учун биринчи даражали дипломни олишга муяссар бўлган. Собиқ Иттифоқ даврида юзлаб наслчилик заводлари орасида ана шундай муттасил ғолибликни эгаллаб келишнинг ўзиёқ хўжаликнинг катта қудратини исботлаб турибди. Шу фактлар хўжалик Республикамизнинг қорақўлчилиги шуҳратига қанчалик катта ҳисса қўшганлигини исботлаб кўрсатади.

ДОВРУҚ

Байрамларни, юбилейларни, қутлуғ кунларни катта дастурхонлар ёзиб, узоқ-яқиндан меҳмонлар чақириб, катта тантана билан ўтказиш хўжалиқда ажойиб анъанага айланган. Бу факт ҳам хўжаликнинг иқтисодий қудрати катталигини, бу ерда халқпарвар, меҳмондўст, бағри кенг раҳбарлар, мутахассислар меҳнат қилаётганликларини кўрсатади. Хўжалик ташкил топган куннинг

олтмиш йиллиги ҳам 1988 йилнинг декабр ойида нишонланди. Маъмурий идора биноси олдидаги кенг ва баланд ишком тагида меҳмонлар учун жой тайёрланиб, катта дастурхон ёзилди. Ҳар йили мўл-кўл ҳосил бериб келаётган ана шу сара узумлар ишкомининг ўзи ҳам бир мўъжиза, катта иштиёқ, меҳнат, тадбиркорлик самарасидир. Ишкомнинг тагида хўжаликнинг барча меҳнаткашларига дастурхон ёзиш мумкин. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур «Агар қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган иморатларимизни бориб кўринг», деганларидек, хўжаликнинг ҳар бир жиҳати унинг катта қудратининг исботидир.

Олтмиш йиллик юбилейи тантаналарида вилоятимиз раҳбариятидан, Самарқанд қорақўлчилик институтидан, республикамиздаги йирик қорақўлчилик хўжаликларидан меҳмонлар келишди. Юбилейни мўл-кўл дастурхон атрофида нишонлашди. Завод директори Ҳайит Оқмаматов юбилей тантанасида қилган маърузасида хўжаликнинг тараққиёти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Хўжалик меҳнаткашлари, чорвадорлари олтмиш йиллик юбилейни барча соҳаларда белгиланган режаларни ортиғи билан бажарган ҳолда кутиб олдилар. 1988 йилда хўжалик бўйича давлатга режадаги 730 тонна ўрнига (тирик вазнда) 1000 тонна гўшт, режадаги 90 минг дона ўрнига 105 минг дона тухум топширилди. 1987 йилда хўжаликдаги жами қўйлар сони режадаги 51 минг 72 бош ўрнига 54 минг 851 бошга етказилди. Шундан она совлиқлар режадаги 27316 бош ўрнига 30319 бошни ташкил этди. 1988 йилда эса жами қўйлар сони режадаги 52830 бош ўрнига 55428 бошга етказилди. Шундан 30705 бошини она совлиқлар ташкил этди. Хўжаликнинг олтмиш йиллиги нишонланган санада хўжалик бўйича жами режадаги 29717 бош ўрнига 33978 бош қўзи олишга эришилди. Завод бўйича ҳар 100 бош совлиқдан 111 бошдан қўзи олинди. Бу олдинги йилдагидан 11 бош ортиқ эди. Олинган қўзиларнинг 80 фоизи насл учун ўстиришга қолдирилди. Самандар Норбоев, Чўли Қуллиевлар бошчилик қилаётган отарларнинг қўйчивонлари янада юқори натижаларга эришилди. Давлат қабул пунктларига режадаги 1300 тонна ўрнига 1798 тонна ғалла, режадаги 640 тонна ўрнига 657 тонна жун топширилди. Давлатга топширилган териларнинг 90 фоиздан ортиғи олий сортларга қабул қилинди. Ялпи терилар салмоғида юқори жакет навли янги Муборак типи териларининг салмоғи янада оширилди.

Юбилей тантаналарида хўжаликнинг эришган иқтисодий тараққиёти билан биргаликда, наслчилик, ижтимоий соҳадаги катта ютуқлари ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Давлат наслчилик заводида эндиликда мутассил юқори сортли, жакет навли терилар олинаёпти. Олий навли терилар берадиган совлиқлар ва қўчқорлар етарлича миқдорда. Бу борада раҳбарларнинг, мутахассисларнинг, чорвадорларнинг ҳар жиҳатдан тажрибалари етарли. Хўжалик ана шу наслчилик ютуқларига таянган ҳолда республикамизнинг

қорақўлчилик борасидаги асосий наслчилик базаларидан бирига айланиб қолган.

Ижтимоий соҳада ҳам яна анчагина ишлар қилинди. Марказий қўрғон табиий газ, водопровод суви, телефон алоқаси билан тўлиқ таъминланди. Ўтрор, Ширинбулоқ, Кўхнашаҳар, Ниёзхон фермаларига тош, асфальт йўллар чиқарилди. Ўнлаб янги чўпон уйлари, кошарлар, иссиқхоналар, шифохоналар, ўқув масканлари қурилиб ишга туширилди. Олис яйловларда меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқларнинг яшаш, меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишни такомиллаштириш тadbирлари чўпонларга қишки мавсумда иссиқ усти бош бериш янада яхшиланди. Даромадга қараб буромад, деганларидек эндиликда хўжаликнинг иқтисодий қуввати баланд, имкониятлари катта, меҳнатнинг рағбати ҳам шунга яраша баланд эди. Завод директори Ҳайит Оқмаматов олтимиш йиллик юбилейида қилган маърузасида ана шуларни айтиб ўтди. Чўпон-чўлиқларининг, фермалар, бўлимлар раҳбарларининг, бош мутахассисларининг катта хизматларини алоҳида таъкидлади.

Чорвадор хўжаликнинг ҳудудлари, чорвадорлар ҳақидаги тасаввур яйловлардан бошланади. Яйловларда ҳақиқий фидокор, тиниб-тинчимас, ҳалол, соф виждонли кишилар яшаб меҳнат қиладилар. Зеро, Хизр кезган яйловлар, чўпонларнинг пири комили Чўпонота номардликни, қаллобликни, хиёнатни ёқтирмайди. Кечирмайди. Қаллобнинг қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуйилмас, деган мақол яйловларда, чўпонлар орасида пайдо бўлган. Уларнинг шиорига, ҳаёт ақидасига айланиб қолган. Сирасини айтганда, хўжаликнинг раҳбарлари ҳам, бош мутахассислари ҳам, аввало, ўзларини чўпон, деб биладилар. Давраларда шундай атайдилар. Бу сохта камтарлик эмас, балки чорвадор хўжалиқда, яйловда чўпон энг олий касб, мансаб, унвон эканлигининг, чўпон яйловнинг ягона эгаси эканлигининг, чўпонлик мардлик, софлик, фидокорлик намунаси эканлигининг эътирофи. Чорвадор хўжаликнинг ҳар бир аъзоси аввало, чўпон эканлиги билан фахрланади. Бунинг маъноси юқорида айтганимиздек, ниҳоятда чуқур, кенг ва терандир. Бу ном чўпон болаларининг, яйловларда туғилиб ўсган жўмард, соғлом, мард болаларнинг қалбларида олам-олам фахр, ифтихор туйғулари пайдо бўлади. Уларга ҳаёт йўлларида йўлдош, ибрат, садоқат намунаси бўлиб хизмат қилади. Улар чўпон ўғли, қизи деган юксак номни мардлик, ҳалоллик рамзи, манбаи сифатида бошларида ҳамиша баланд кўтариб юрадилар. Чўпонларга, уларнинг пирига, яйловларга бу чексиз садоқат уларни ҳамиша қўллайди, қалбларига куч, шижоат, кўзларига нур бағишлайди. Ҳалол билан ҳаромни ажратишда ҳушёр қилиб туради.

Ана шу фикрларни дилдан кечирарканман, қиссамнинг шу ўрнида хўжаликнинг айна тараққиёт даврига ҳисса қўшаётган, ўтмишда ҳисса қўшган яйлов баҳодирлари, фермаларнинг мудирлари ҳақида ёзишга аҳд қилдим.

Хўжаликнинг Ўтрор фермасига раҳматли Дилмурод

Отамуродовдан кейин ёш, серғайрат йигит Нормурод Отаниёзов мудирлик қилмоқда. Наслчилик ишларини ташкил этишда, амалга оширишда, иқтисодий тараққиётда ферманинг катта ўрни бор. Ёш ферма мудирани ана шу соҳалардаги шуҳратни янада ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаёпти. Унинг меҳнатидан хўжаликнинг раҳбарлари, мутахассислари мамнун. Фермада 12700 бош қўйлар боқилаёпти. Хўжаликнинг етмиш йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилнинг баҳорида уларнинг 8270 бошидан тўл олинди. Давлатга 2259 дона тери топширилди. 6347 бош қўзи насл учун ўстиришга қолдирилди. Холмамат Махтимов, Чори Норбоев, Ботир Боймуродов, Сулаймон Авазов сингари бош чўпонлар ферманинг, хўжаликнинг фахри ҳисобланишади. Улар наслчилик ишларини такомиллаштириш, совлиқлардан кўплаб қўзи олиш, насл учун ўстиришга қўзи қолдириш борасида ҳар йили юксак натижаларга эришиб келишмоқда. Оталарнинг, боболарнинг қўйчивонлик касбини муносиб равишда давом эттираяптилар.

Рамазон Авазов хўжаликнинг серғайрат, ҳар қандай қийинчиликни ҳам енгиб ўта оладиган, бошқаларни ҳам изидан эргаштира биладиган ишбошиларидан биридир. У мана бир неча йиллардан бери хўжаликнинг Ширинбулоқ фермасига мудирлик қилаёпти. Унинг раҳбарлигида фермада совлиқлардан қўзи олиш, насл учун ўстиришга қўзи қолдириш, қўй ва қўзиларнинг бош сонини ўстириш ўзасидан белгиланган режалар доимо ортиғи билан бажарилмоқда. Совлиқларни сунъий қочириш, чорва қишлови, қўзилатиш, чорва моллари учун ем-хашак жамғариш, жун қирқими мавсумлари ҳамиша уюшқоқлик билан ўтказилаёпти. Рамазон ака ферманинг, хўжаликнинг бугунги тараққиёт даражасига муносиб ҳисса қўшган ферма мудирларининг, донгдор чўпонларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади. Султон Қурбонов, Абдигани Жалилов, Абдулла Авазов, Бўри Қурбонов, Ражабқул Қувончиев, Ҳайдар Холиқов, Саид Рўзиев, Урин Омонов сингари донгдор чорвадорлар, чорвачилик ишлаб чиқаришининг тадбиркор, билимдон ташкилотчилари фермага турли даврларда раҳбарлик қилганлар. Рўзибой Қўзибоев, Хўжақул Қувончиев сингари чорвадорлар наслчилик ишларига муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Айни пайтда Қурбон Оймаматов, Ҳамро Авазов, Аваз Шомуродов, Сайфулла Худойназаров каби яйлов баҳодирлари хўжаликни дастлабки йилларда оёққа турғизган чорвадорларнинг ишларини муносиб давом эттираяптилар. Фермада донгдор чорвадорларнинг номлари фахрланиб тилга олинади. Уларнинг ишларини муносиб давом эттириш учун яйловларда шарафли меҳнат авжида. Ширинбулоқдаги ҳар бир чорвадор, ҳар бир ишчи хўжаликнинг етмиш йиллик юбилейига катта тайёргарлик, катта меҳнат совғаси билан келаяпти. Улар катта, аҳил-иноқ, мустаҳкам, фаровон оиланинг муносиб аъзолари сифатида яшаб меҳнат қилаёптилар.

Ниёзхон фермасининг мудирани Жуманазар Қуллиев чорвадорларнинг ҳақиқий ишбошиси бўлиш билан биргаликда

элининг катта кайвониси, оқсоқоли ҳисобланади. Ниёзхон қишлоғининг барча кувонч ва ташвишларини эли билан баҳам кўриб, тўйу маъракаларига бошчилик қилиб келмоқда. Жуманазар акани кўп йиллардан бери яхши танийман. Унинг тимсолида халқимизнинг донолиги, топқирлиги, ҳозиржавоблиги, ҳазил-мутойибага мойиллиги образини кўраман. Ниёзхон фермасида эришаётган ютуқлар, хўжалик раҳбариятининг катта ғамхўрлиги, чўпонлар фидокорлиги билан биргаликда, унинг меҳнаткашлиги, тадбиркорлиги самарасидир.

-Фермамизга ўтган йилларда Пириев, Гажжи Рўзиев, Файзиев, Бадаев, Ниёз Ҳайитов, Бўри Қурбонов, Қурбонмурод Ҳамроевлар раҳбарлик қилганлар. Уларнинг номларини, меҳнатларини ҳаммамиз ҳурмат билан тилга оламиз. Улар чорвачилигимизнинг, хўжалигимизнинг тараққий этишига катта ҳисса қўшганлар, -дея ҳикоя қилади Жуманазар ака. -Ҳозир фермамизда 11 минг бош кўй боқилапти. Бу йил уларнинг 6392 бошидан тўл олдиқ. Ферма бўйича 85 фоизга яқин кўзини ўстиришга қолдирдик. Бу жуда юқсри натижа ҳисобланади. Газетачиларнинг тили билан айтганда: хўжаликнинг етмиш йиллик юбилейини катта ютуқлар билан кутиб олаёلمиз. Баҳор, кечроқ бўлсаям, серёғин келди. Яйловда ўт кўп. Чўпон-чўлиқларимизнинг кайфиятлари яхши. Яйловларимизга, отарларимизга келинлар. Гурунглашамиз.

Жонкул бобо Ғойибов, Қурбон Мавлонов, Қурбон Ғойибовларнинг номларини ниёзхонликлар ҳурмат билан тилга оладилар. Улар хўжалик тараққиётининг масъулиятли, оғир йилларида меҳнат қилиб, бугунги камолотига пойдевор яратганлар. Чўли Қуллиев, Ғайбулла Набиев, Ғайбулла Қурбонов, Ҳасан Эгамов, Жума Хидиров каби яйлов баҳодирлари уларнинг хайрли ишларини шараф билан давом эттираётдилар. Ферма марказидан ўнлаб километр олисликдаги яйловларда кўйу кўзиларини қишин-ёзин яйратиб боқаяптилар. Чўпонликдек шарафли касбларини ёшларга ўргатиб бораёптилар. Ферманинг ютуқларида Худойберди Муҳаммадиевнинг хизматлари каттадир.

Жуманазар аканинг суҳбати жараёнида марҳум Қурбонмурод Ҳамроевни яна бир бор дилимда катта ҳурмат, эҳтиром билан эсладим. У кишини билган ҳар бир одам ана шундай эҳтиром кўрсатади. Умри яйловларда, чорвачилик, ғаллачилик билан ўтган бу инсон ниҳоятда ўқимишли, инсонпарвар, софдил киши эдилар. Қурбонмурод Ҳамроев яқин шарқ мамлакатлари тарихининг етук билимдони, ўқимишли киши эдилар. Навоий, Махтумқули, Аҳмад Яссавийнинг жуда кўплаб шеърларини, ғазалларини ёддан билар, дўстлар даврасида ўқиб мағзини чақиб беришдан эринмасдилар. Маърифатпарвар киши эдилар. Ҳаммага бирдай ғамхўр, айни вақтда ниҳоятда тўғри сўзли, қўрткесар эдилар. Ҳазрати инсон, деган сифат менинг назаримда Қурбонмурод Ҳамроевга мос тушади.

Кўхнашаҳар қишлоғининг тарихи соғибқирон бобомиз Амир Темур салтанати даври билан боғлиқдир. Бу ердаги Нўширавони Одил қалъаси, Занжирсарой қалъа шаҳри обидалари қишлоқнинг

буюк ўтмишидан дарак бериб турибди. Кўхнашаҳарликлар қишлоқнинг қадимийлиги, буюк ўтмиши билан ҳақли суратда фахрланадилар. Чорвачилик борасидаги шуҳратлари, эришган тараққиёт даражалари ҳам ўтмишдаги шуҳратларидан кам эмас.

Кўхнашаҳар фермаси 1957 йилда "Муборак" хўжалигига қўшилган, чорвачиликнинг тараққиёти, чорвадорларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини юксалтиришнинг янги юксак имкониятлари очилди. Утган йилларда бу имкониятлар рўйбга чиқарилди. Қишлоқда йўллар қурилди. Тоза ичимлик суви, табиий газ тармоқлари ўтказилди. "Муборак" хўжалигининг раиси Хайит Оқмаматов билан Муборак газни қайта ишлаш заводининг директори, Республикамиз Олий Мажлиси депутати Нуриддин Зайниевнинг, туман ҳоқими Жумакул Қурбоновнинг ҳамкорликлари натижасида қишлоқда ўнлаб турар жой бинолари қурилди. Биргина утган йилнинг ўзида заводнинг маблаглари ҳисобидан Кўхнашаҳарда ўнлаб хонадонларга табиий газ ўтказилди.

Чорвачиликнинг тарихи ҳам қишлоқнинг тарихидек олис, шарафли, салмоқлидир. Ферма ишлаб чиқаришининг, чорвасининг тараққиётида Хиддибобо Удаев, Санокул Зоитов, Абдирахмон Саидов, Жуматурди Чориев, Абдиқодир Акрамов, Бешим Тоиров, Рўзи Тоиров, Сано Бўриев, Ражаббой Жумаев, Мўмин Худойбердиев, Итурилло Оқиев, Қурбон Абдираимов сингари чорвадорларнинг, ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг меҳнатлари каттадир. Улар қишлоқ аҳлининг, кўхнашаҳарликларнинг, хўжалик аҳлининг, барча чорвадорларнинг фахри бўлиб қолишган. Уларнинг ватанимиз қоракўчилиги тараққиётидаги хизматлари ниҳоятда катта.

Кўхнашаҳар фермасига 1979 йилдан бери элда обрў қозонган раҳнамо инсон Наврўз Авазов мудирлик қилиб келаяпти. Давлат наслчилик хўжалигига қўшилиб фермада наслчилик ишларининг ташкил этилишида, юксалишида унинг хизматлари бекиёсдир. Бугунги кунда ферманинг Салим Жумаев, Мурод Тоиров, Аҳмад Донаев, Ғайбулла Қобилов сингари қўйчивонлар бошчилик қилаётган отарларида айниқса юқори натижаларга эришилмоқда. Улар юбилей йилида ҳар 100 бош совлиқдан 110 бошдан ошириб кўзи олишга эришдилар. Кўзиларнинг саксон фоиздан ортигини ўстиришга қолдириб сурувларга сурув қўшдилар.

Хўжаликнинг Майдаёбу фермаси яйловларида 14500 бош қўйлар боқилаяпти. Хўжаликнинг энг олис яйловларидаги мазкур ферманинг чорвадорлари умумий йутуққа яқиндан туриб ҳисса қўшаяптилар. Тадбиркор ферма мудирини Қурбон Алиевнинг ташкилотчилиги натижасида қўйу кўзиларни боқиш, қишлоқга тайёргарлик кўриш, тўл олиш, жун қирқими, ем-ҳашак жамғариш ишлари муваффақиятли ўтказилаяпти. Фермада ҳар йили мўл-кўл табиий ўт-ўланлар ўрилиб кўплаб ҳашак жамғарилаяпти. Бу эса чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг, совлиқлардан кўплаб эгиз кўзилар олишнинг гарови бўлмоқда. Юбилей йилида ферма қўйчивонлари олинган кўзиларнинг 80 фоиздан ортигини ўстиришга қолдиришга эришдилар. Беҳбид Алиев, Авғон Эргашев, Баҳодир Облонов каби ишбилармон бош чўпонлар бошлиқ отарларда

эришилаётган ютуқлар айниқса салмоқли бўлмоқда.

Ширинбулоқда туячилик бригадаси бор. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида бир косагина шифобахш қимрон ичмоқчи бўлганлар Ширинбулоққа борадилар. Бу ерда яшаб меҳнат қилаётган туячилар азалдан қимрон тайёрлашади. Туя сутидан қимрон тайёрлашнинг устаси бўлиб кетишган. Аммо, ҳеч қачон қимронни пулга сотишмайди. Шифо учун бир косагина қуйиб беришадиган холос. Асалнинг ози ширин деганларидек, туя сутидан тайёрланган қимроннинг ҳам бир косаси шифо. Кўп ичсангиз зўрлик қилади.

-Туячилик бизларга ота касби, - дейди туячилик бригадасининг бошлиғи Тўхтақул Жўраев. - Совхозимиз азалдан наслдор қоракўли қўйлар билан биргаликда, туячилик базаси ҳам ҳисобланиб келган. Мамлакатимизнинг чорвачилик хўжаликларига кўплаб туялар етказиб берилган. Тўғри, ҳозир туялар халқ хўжалигида транспорт воситаси сифатида, улов сифатида ишлатилмайди. Лекин, азалдан фойдали, эъзозли, инсоннинг чўлдаги энг яқин, ишончли, фойдали дўсти сифатида сақланиб келинаёпти. Унинг гўшти, жуни сути ниҳоятда фойдали, шифобахш. Туяни сақлаш, боқиш, кўпайтириш бизлар учун бир касб бўлиб қолган. Боқиб юрибмиз...

Отчилик бригадасига қарашли тулпорлар Кўҳнашаҳарнинг сўнгсиз тўқайларида, кенгликларида боқилаёпти. Мен асл тулпорлар етишаётган уюр-уюр йилқиларнинг айнан Кўҳнашаҳар тўқайларида боқилаётганлигида рамзий бир маъно, ўтмишга ишора, садоқат намунасини кўраман.

Кўҳнашаҳар атрофлари, Занжирсарой қалъа шаҳрининг тарихи жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг ҳаёти, салтанати билан боғлиқдир. Бу ерларнинг ўтмишда буюк салтанат, жангу-жадаллар кечган жой сифатида тарихда ўрни бор. Ҳозирда эса жаҳонгир бобомизнинг ғолиб лашкарлари тулпорларининг туёқлари зарбидан бир пайтлари ларзага келган заминда яйдок, озод, асов тулпорлар кезиб юрибди. Уларнинг бақувват сағрилари таранг. Тухумдек силлиқ, йилтиллайди. Юлдузни чоғлаган кўзларида ёвқур, ёввойи ўт чақнайди. Туёқларида чакмоқ чақади. Камондек эгилган пайдор бўйинларидан тошиб турган ёлларидида куёш нурлари ёнади. Улар чўлларда етилган буюк, асов қудрат, жангари, улуғ ва қудратли ўтмишимизнинг бизгача етиб келган, нималигини бизларнинг идрокимиз тўлиқ англаб ета олмаган намунаси, нишонаси сифатида ёнгинамизда яшаб келаяптилар. Табиий, ёввойи, чексиз қудратнинг намунаси бўлиб қолишган. Йилқичилик бригадасига Амир Болтаев бошчилик қилаёпти.

Ушбу сатрларни ёзарканман, хаёлимга бир фикр келди.

"Муборак" хўжалигида қўйчилик, туячилик, отчилик, аввало, ўзбек миллатимизга хос иқтисодий, маънавий бир қадрият сифатида сақланиб, давом эттириб келинмоқда. Бу хўжаликнинг, унинг чорвадорларининг мамлакатимиз, халқимиз олдидаги энг катта хизмати, ўтган етмиш йилда эришган энг улуғ, қимматли ютуғидир.

Паррандачилик бригадасига Худоёр Санаев бошчилик

қилмокда. Хўжаликда паррандачилик ҳақиқатан ҳам етти хазинанинг бири сифатида катта иқтисодий самарадорлик билан ишламокда. Бу ерда ҳамма соҳа баравар ривожлантириб борилаётганлиги ҳам ибратлидир.

Бош ҳосилот Фатхулла Авазов, бош иқтисодчи Ёзмурод Ўдаев, кадрлар бўлимининг мудири Роза Турсуноваларнинг таъминотчи Ражаббой Жалиловнинг хўжалик тараққиётига, бугунги камолотига қўшган ҳиссаларини ҳамма мамнуният билан эътироф қилади. Авазмурод Бекниевнинг хизматлари бекиёсдир.

-Хўжалигимиз тараққиётининг барча даврларида шофёрларимиз, тракторчиларимиз, механикларимиз, слесарларимиз, комбайнчиларимиз, уллас техника жиловкорларимиз астойдил меҳнат қилиб, чорвадорларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиб келишган. Ҳозир ҳам шундай фидокорлик билан ишляптилар, - дейди хўжаликнинг бош муҳандиси Рўзи Жўраев. -Ҳозир хўжалигимизда 31 та турли маркадаги автомашиналар, 44 та турли тракторлар, 10 та ем-ҳашак жамғариш, майдалаш агрегатлари, 8 та комбайнлар ишлаб турибди. Улар хўжаликдаги барча ишларни бажаришда, чорванинг барча мавсумларини ўтказишда самарали ишлатилмокда. Бозор Рўзиев, Эргаш Жумаев, Ҳамро Ҳакимов сингари тракторчилар, Яхти Худойназаров, Ризоқул Мирзаев, Шодиёр Чориев каби шофёрларимиз билан фахрланамиз. Улар чорвадорларга қишин-ёзин мадакдор бўляптилар. Хўжаликнинг ютуқларига омил бўлаётган энг катта бойлиги, қуввати унинг одамларга ғамхўр, тadbиркор раҳбари, мутахассислари. Хўжалик манфаати учун фидокор, ҳалол, меҳнаткаш чорвадорларидир. Утган етмиш йил ичида ана шу омиллар қудратли куч бўлиб камолотга етишган. Хўжаликни ҳам камолот чўққисига олиб чиққандир. Айни ислохотлар даврида, хўжалик ташкил топган куннинг етмиш йиллиги арафасида, унинг афзалликлари, ютуқлари, қудрати нималардан намоён бўляпти?

-Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий истиқлол ислохотлари талаблари асосида хўжалигимиз қоракўлчилик-наслчилик жамоа-ширкат хўжалигига айланди, - дейди хўжалик бошқаруви кенгашининг раиси Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, "Ҳурмат белгиси" ордени нишондори Ҳайит Оқмаматов. -Чорвадорларимиз мулкнинг ҳақиқий эгасига, бошқаришнинг, моддий неъматлар тақсимотининг иштирокчисига айландилар. Эндиликда чорванинг, наслчиликнинг тақдири учун жавобгарлик, қайғуриш, қуйинчаклик кучайди, иқтисодий соҳаларда одамларнинг, хўжаликнинг манфаатларини кўзлаб мустақил ҳолда, бошқарув кенгашининг қарори асосида иш тутиш ҳуқуқига эга бўлдик. Хўжаликда етиштирилган наслдор қўйларни, кўчкорларни, қоракўл терини, жунни, сутни, гўштни хўжалик учун фойдали ассларда сотишни ўзимиз ҳал қилаялмиз. Кенгаш қарори билан амалга ошираялмиз. Бу жуда катта фойда берапти. Чорвадорларимизнинг манфаатдорликлари юқори бўляпти...

Шу ўринда яна бир воқеа ёдимга тушди. Туман ҳокимлигида

бўлаётган йиғилишлардан бирида, сутчилик ҳақида гап кетди. Пахтакор хўжаликлардаги аксарият фермаларда сигирлардан ёлчитиб сут олинмаяпти. Энг ёмони, сутдан даромад олиш тўғрисида хўжалик раҳбарлари тадбиркорлик кўрсатишмаяпти. Туман ҳокими Карим Остонов шунда Ҳайит Оқмаматовдан тажрибаларини, эришаётган натижаларини гапириб беришни сўради.

-Ҳар куни юз литрдан сут олаяпмиз. Литрини йиғирма сўмдан сотаяпмиз. Бу ҳар куни икки минг сўм даромад, деган гап. Ўн бешта сигир соғаяпмиз, -деди Оқмаматов ишбилармон, ўзига ишонган одамларга хос вазминлик билан. -Ноннинг ушоғи ҳам нон, деганларидек, ҳар бир соҳадан озроқ бўлсада даромад олиш чорасини кўраяпмиз. Тома-тома кўл бўлар деганларидек...

-Ўн бешта соғин сигирдан кунида икки минг сўм даромад. Бу кам эмас. Катта даромад. Бир йилда бу озмунча пул бўладими? Раҳмат сизга! Ана шундай эътибор, ҳисоб-китоб билан ишлаш, халқни боқиб учун даромад йўлларини топиш, изланиш, ўрганиш керак, биродарлар, -деди ҳоким кўнгли кўтарилиб...

-Ҳамма соҳани баравар ривожлантириш, иқтисодий самарадорлик учун курашмаяпмиз. Чорванинг турларидан тортиб, экин-тикинларгача ҳаммасидан фойда олаяпмиз. Биргина ўтган йилда хўжалигимиз бўйича 7 миллион 457 минг сўм соф фойда олдик. Дебитор, кредитор қарзларимиз йўқ. Хўжалик меҳнаткашларининг иш ҳақларини ойма-ой бериб бораяпмиз. Мана ҳозиргача ўтган ойнинг иш ҳақини ҳаммага тарқатиб бўлдик. Банкдаги ҳисоб рақамимизда пулимиз ҳам етарли. Мана шу иқтисодий устунлик айни пайтдаги энг катта ютуғимиздир, -дейди хўжаликнинг бош ҳисобчиси Шомурод Рўзимуродов.

Шомурод Рўзимуродов олий маълумотли ҳисобчи. Хўжалиқда йиғирма беш йилдан бери бош ҳисобчилик лавозимида ишлаб келаяпти. Хўжаликнинг айни пайтдаги иқтисодий тараққиётида, чорвадорларнинг турмуш даражаси юксалиб бораётганлигида унинг жуда катта ҳиссаси бор. У ҳисоб-китоб ишларини билимдонлик, тежамкорлик, қатъийлик билан олиб бораяпти.

-Ўтиш даврининг айни қийинчиликлар пайтида ҳам наслчилик борасидаги изланишларимизни, эришган ютуқларимизни сақлаб қолишга, кўпайтириб боришга эришмаяпмиз. Сир эмас. Кўпгина қоракўлчилик наслчилик хўжаликларида қоракўли кўйларнинг яратилган зотлари деярли йўқотиб юборилди. Териларнинг нави, сифати, сорти пасайди. Биз кўйлар зотини сақлаб турганимиз энг катта ютуғимиздир. Бу раҳбарларимизнинг раҳнамолиги, халқимизнинг меҳнати самарасидир, бахтидир. Чеккан заҳматларимиз изсиз кетгани йўқ. Энг катта ютуғимиз мана шунда. Бу биз учун энг катта мукофот. Етмиш йилликка энг катта тўнамамиздир. Бизга бундан ортиқ ютуқнинг, мукофотнинг кераги йўқ, -дейди хўжаликнинг бош зоотехниги Нурилло Қурбонниёзов.

Ҳар бир ишни вақтида, пишиқ-пухта қилиб бажаришни хўжалик касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Ғайбулла

Насруллаевдан ўрганиш керак. У киши ҳар сафар учрашганимда, менга ҳаёт, тажриба намунаси бўлиб кўринади. Ниҳоятда билимдон, камтарин ҳафсалали мутахассис. Ҳозир бу вазифада Гулмурод Бекриев ишляпти.

-Ҳозир хўжалигимизда 700 нафар киши меҳнат қиляпти, - дейди Ғайбулла ака суҳбатимиз жараёнида. -Шундан бевосита чорвачиликда 285 нафари ишлайди. Чорвадорлар, чўпонлар мустақил мамлакатимизда энг имтиёзли меҳнаткашлар ҳисобланишади. Улар яхши, баракали меҳнат қилсалар, юқори натижаларга эришсалар жуда катта даромад олишлари мумкин. Биз чўпон-чўлиқларимизга ҳар йили тегишли тартибда меҳнат таътили берамиз. Улар яйловларда, сурувларнинг изида ҳафталаб, ўн беш кунлаб алмашиб ишлайдилар. Ана шу ҳисобдан таътилга чиқадилар. Таътил пулларини ҳисоблаб тўлаяпмиз. Чўпонга режадан ортиқча кўзи қолдирганлиги, урғочи кўзини кўп қолдирганлиги, ортиқча чиқимга йўл қўймаганлиги учун, кўплаб жун қирқиб олганлиги учун натура ҳисобида мукофот берилади. Қиш ойларида бепул иссиқ қишки усти бош кийимлар берилади. Хўжалигимизнинг чўпон-чўлиқлари ана шу имтиёзлардан, моддий манфаатдорликдан тўлиқ фойдаланаяптилар. Етмиш йил давомида яратилган иқтисодий база, айни кунлардаги иқтисодий ютуқлар бунга имкон берапти. Одамларнинг моддий манфаатдорлиги рўёбга чиқаётганлиги ҳозирги кундаги энг катта ютуғимиздир. Оиланинг ҳам, мамлакатнинг ҳам иқтисодий қудратини ундаги аъзоларнинг, одамларнинг моддий аҳволи кўрсатади. Халқимиз яйловларда яратилган қулайликлардан фойдаланиб яхши ишлаб, яхши натижаларга эришиб, яхши яшаяптилар. Хўжалик етмиш ёшга тўлганлиги билан ҳар бир аъзомиз фахрланади. Хўжаликка мадад бериб, ундан мадад олиб яшаяпти...

Ғайбулла аканинг бу сўзлари ҳар бир чорвадор дилидаги мамнунлик, меҳнатдан, тақдирдан шукроналик, шонли етмиш йиллик юбилей, хўжалик камолотидан фахрланиш изҳоридир.

Яхши кишининг меҳнати, эришган ютуқлари, юксак инсоний фазилатлари элига, халқига обрў келтиради. Сутчилик борасидаги ютуқлари туман миқёсида намуна қилиб кўрсатилган қорамолчилик фермасига тадбиркор чорвадор, тиниб-тинчимас инсон Тўйи Удаев мудирлик қиляпти.

Ражаббой Қаюмов бошчилик қилаётган жамоа дехқонлари 560 гектар майдондаги бедадан ҳар йили мўл ҳосил олиб, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳиссаларини қўшаяптилар. Улар ялпи майдонлардаги бедани ҳар йили камида тўрт марта уриб олишади. Чорва моллари учун прессланган беда пичани жамғаришади. Хўжалик бўйича эришилаётган ютуқларга шу асосда катта ҳисса қўшаяптилар. Улар бу йил 450 гектар суғориладиган ерларга ғалла экиб, мўл ҳосилни кўзлаганлар. Ҳар гектар ердан 31 центнердан ғалла олинди. Мўл-қўл сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириб, чорвадорлар дастурхонига етказиб берилмоқда.

Етмиш ёшга кириб, камолотнинг чўққисига чиққан хўжаликнинг

тараққиётида фидокор, билимдон, ўз ишининг устаси бўлган раҳбарларнинг, мутахассисларнинг хизматлари беқиёс катталигини айтгандик. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш ўринлидир. Хўжаликда чўпонлар орасида ҳам, мутахассислар орасида ҳам мураббийлик, муносиб ўринбосарлар тайёрлаб бориш ажойиб анъанага айланган. Ёшлар оталарининг, устозларининг ишини ўрганиб, вақти келганида муносиб равишда давом эттириб бораётдилар. Чорвадёр хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларидаги изланувчанлик, навқиронлик, ғайрат, шижоат ана шундандир. Етмиш ёшга тўлган хўжаликда меҳнат мароми ёшликка хос илҳом ва ғайрат билан давом эттирилаяпти. Бу ёшликнинг куч-ғайрати билан кексаликнинг билими, тажрибаси, донолиги уйғунлаштириб борилаётганлигининг самарасидир.

Наслчилик ишлари бўйича зоотехник Бобоёр Наврўзов, наслчилик ишларининг ҳисобчиси Бахтиёр Наврўзов, хўжаликнинг бош ветеринария врачлари Дўлан Дўстмирзаев, даволовчи ветврач Жаббор Холиқовларнинг хизматлари ҳамisha катта бўлаяпти. Улар хўжаликда зоотехника, ветеринария хизматининг жонкуяр ташкилотчилари, ижрочилари сифатида наслчилик, чорва молларининг саломатлигини кўриқлаш борасидаги ҳар бир тадбирни ўз вақтида, юқори талаблар даражасида амалга ошираяптилар. Фермаларда ишлаётган зоотехниклар Тўхта Қосимов, Бахтиёр Сафаров, Раҳим Шомуродовларнинг, ветеринария ходимлари Тожи Норбоев, Мурод Қуллоев, Янгибой Отамуродов, Омонқул Норқулов, Жаббор Ҳакимовларнинг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Улар чорванинг ҳақиқий жонкуярлари сифатида, ҳалол, фидокорона меҳнат қилишмоқда. Хўжаликнинг ютуқларига, довуғини оширишга чўпонлар билан елкама-елма туриб ишлаб, яйловларнинг иссиқ-совуғини барабар тартиб ҳисса қўшаяптилар. Уларнинг камтарона хизматлари ҳамisha ҳам эътироф этилавермайди. Аммо, хўжалик, туман миқёсидаги, мамлакатга таътигулик катта ютуқлар, хўжаликнинг довуғи ана шундай ўнлаб, юзлаб камтар инсонларнинг ҳузур-ҳаловатдан кечиб-қилган меҳнатлари туфайли яратилгандир.

Ҳазиначи Нурилло Бобоқулов билан чорвачилик маҳсулотларини тайёрловчи-омборчи Араббой Жумаевлар ҳам ана шундай тадбиркорлик, фидокорлик билан меҳнат қилаяптилар. Ўзларининг меҳнатлари, зиммаларидаги вазифани вақтида, виждонан бажаришлари билан ҳамманинг эътиборини қозонишган. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир раҳбар, мутахассис аввало ўз ишининг устаси, вазифасини вақтида уддалайди. Энг муҳими ҳамма ҳамжиҳатликда, ягона мақсад сари интилувчи яхлит бир қудратли куч сифатида ҳаракат қилади. Бу ҳам катта ютуқларнинг муҳим бир манбаси ҳисобланади. Хўжалик раҳбарияти яхши, ишбилармон, фидокор кишиларни танлаб, муҳим вазифаларга тайинлаб, уларга ёрдам бериб, ишониб келаётганлигини исботлайди. Бу ҳар қандай вазиятда ҳам тараққиётнинг гаровидир.

-Хўжаликнинг марказий кўрғонида, фермаларининг

марказларида фаолият кўрсатаётган мактабларда таълим -тарбия ишлари бугунги куннинг юксак талаблари асосида олиб борилаяпти. Бу борада хўжалик раҳбарияти катта амалий ёрдам бераяпти. Моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаяпти. Ҳайит Оқмаматов таълим масканларининг ишидан, чўпонларининг фарзандлари қандай билим олаётганликларидан доимий суръатда хабардор. Зеро, бу масканларда хўжалик тараққиёти, фаолиятининг келажаги ворислари билим, таълим, тарбия олаяптилар. Ҳозир хўжалик ишлаб чиқаришининг барча жабҳаларида ана шу мактабларни тугаллаб чиққан ёшлар, мутахассислар меҳнат қилишмоқда, -дейди туман халқ таълими бўлимининг мудир Шаймурод Давронов.

Хўжаликнинг марказий қўрғонидаги Фафур Фулом номли ўрта мактабга тажрибали халқ таълими ходими Элмирза Махмонов, Кўхнашаҳар фермаси марказидаги Муса Жалил номли ўрта мактабга Эргаш Қўзиёев директорлик қилаяптилар. Ниёзхон фермаси марказидаги Ниёзхон Жигаев номли таянч мактабига Мурод Куртов, Ширинбулоқдаги Чўлпон номли мактабга Қози Қурбонов, Уттордаги Ойбек номли мактабга Рўзи Қурбоновлар раҳбарлик қилишмоқда.

Туркман қишлоғидаги Фурқат номли мактабга Бекмамат Удаев директорлик қилмоқда. Мен хизмат вазифам тақозоси билан ана шу мактабларнинг ҳаммасида бўлганман. Уларда ёшларнинг яхши билим, тарбия олишлари учун қулай шaroитлар яратилган. Мактабларнинг директорлари таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида астойдил изланаёптилар. Уқитувчилар фидокорлик билан ишлаяптилар. Ёшларнинг ўқишидан чорвадорларнинг кўнгли тўқ.

Чўпонларнинг олис чўллар қўйнида баракали меҳнат қилишларида, фаровон яшашларини таъминлашда уларга савдо, почта-алоқа хизмат кўрсатиш катта аҳамият касб этади. Таъкидлаб ўтмоқ керакки, яйловлардаги чўпон-чўлиқлар, уларнинг оилалари аъзолари ана шу хизматлардан тўлиқ баҳраманд бўлаяптилар.

Барча фермаларнинг марказларида савдо дўконлари ишлаб турибди. Туман савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли бу дўконларда чорвадорлар, уларнинг оила аъзолари учун барча зарур товарлар ҳамиша муҳайё этилаяпти. Бу борада Турсунқул Жумаев, Норкул Чориев, Давлат Оймаматов, Жумақул Авезов сингари савдо ходимлари баракали ишлаяптилар. Автовлакчи Эшқобил Сокиев ҳамиша чорвадорлар хизматида.

Туман марказий касалхонаси раҳбарининг бош ҳакими Ҳамро Чўлиевнинг ташкилотчилиги туфайли чорвадорларга яйловларда, фермаларнинг марказларида намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Барча фермаларнинг марказларида фелдшер-доялик пунктлари мунтазам ишлаб турибди. Уларда одамларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, профилактик эмлаш ишларини олиб бориш учун барча имкониятлар мавжуд. Хўжаликнинг, фермаларнинг раҳбарлари шифокорларга, хизмат вазифаларини бажаришда яқиндан амалий ёрдам беришаяпти. Иброҳим Исмоилов, Зоир Ҳаққулов, Жумагелди Куртов, Худойберди Авазов сингари шифокорлар чорвадорларнинг ҳамдарди, суянчи бўлиб қолганлар.

Яйлов йўлларида обуначиларнинг газета ва журналларини, қарияларнинг нафақа пулларини тарқатиш учун юрган тиниб-тинчимас почтальонларни тез-тез учратиш мумкин. Бу фидокор, ҳожатбарор касб эгалари яйловларда ҳам ҳар бир хонадоннинг қадрдон меҳмони. Уларни чорвадорлар хушxabарчилар сифатида кутиб оладилар. Ҳайитбой Ҳамидов, Комил Бердиев, Олти Кенжаев, Сайёра Эшонқулова сингари почтальонларнинг хизматидан ҳамма миннатдор. Почтальонлар саркори Шокир Ҳамидов туманимизнинг барча аҳолисига, жумладан чорвадорларга ҳам намунали хизмат кўрсатишни ташкил этаяпти.

Чорвадорлар ҳаёти ана шу хизматлар билан тўқисдир.

Ҳозир хўжаликнинг уфқлар бағрига тутшиб кетган бепоён яйловларида 78 минг 478 бош қўй ва қўзилар боқилаяпти. Баҳорда уларнинг 30 минг 785 бошидан тўл олинди. Шонли юбилей йилида олинган тўл натижалари хўжаликнинг юксак тараққиёти даражасини исботлаб турибди. Хўжалик чорвадорлари юбилейга ҳар қачонгидан кўра катта меҳнат соғваси тайёрлаганликларини кўрсатди. Хўжалик бўйича баҳорда ҳар 100 бош совлиқдан 110 бошдан қўзи олинди. Давлатга 8928 дона юқори сортли жакет навли қоракўли терилар топирилди. Бу терилар жаҳон бозорида юқори нархларда сотилиб, мустақил мамлакатимизнинг хазинасига барака киритади. Хўжалик раҳбарларининг, чўпон-чўлиқларнинг астойдил меҳнатлари туфайли 24 минг 935 бош қўзи насл учун ўстиришга қолдирилди. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик бўйича олинган қўзиларнинг 81 фоизи насл учун ўстиришга қолдирилди. Бу хўжаликнинг етмиш йиллик тарихида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Демак, хўжалик етмиш ёшга кириб, айнаи куч-қувватга тўлиб баракали тўл олиш билан биргаликда, чорваси соғлом, наслдор қўзилар ҳисобига қўпайиб, бойиб бораёпти. Бу келажақда янада юксак тараққиёт даражасига эришишнинг жуда катта, мустаҳкам гаровидир. Хўжалик бўйича олинган қўзиларнинг 81 фоизи ўстиришга қолдирилганлиги вилоятимиз, мамлакатимиз бўйича энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислари буни мамнуният билан эътироф этаяптилар. Яйловларда 417 бош туялар, 392 та от, 59 бош қорамол боқилаяпти.

Айни куз фаслида "Муборак" қоракўлчилик-насличилик жамоат-ширкат хўжалигининг донга, ширага тўлган дашт ўтлари билан қопланган, саксовуллар, юлғунзорлар, шувоқзорлардан салобат ва чиройга кирган поёнсиз яйловларида минглаб наслдор, семиз, соғлом қўйу қўзилари ўтлаб юрибди. Уларнинг изидан юрган чўпон-чўлиқларининг меҳнатидан, эришган натижаларидан, оиласининг тинч-фаровонлигидан кўнгли тўқ. Улар ҳар томонлама ёрдам ва ғамхўрликлардан баҳраманд. Шунинг учун меҳнатлари мароқли, баракали, зртанги ютуқларига ишончлари катта. Хўжаликнинг раҳбарлари, мутахассислари, яратилган иқтисодий, илмий имкониятларга таяниб, қоракўлчиликнинг шуҳратини янада ошириш борасида изланаёптилар. Хўжаликни янада тараққий эттириш, халқнинг турмушини фаровон қилиш борасида, наслчилик ишларини

яна ҳам такомиллаштириш соҳаларида муҳим тадбирларни амалга ошираяптилар.

1998 йил, октябрь.

ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ПОРЛАЙДИ

Дарахтнинг катталиги, улуғворлиги, қадр-қиммати ва ҳаётимизда тутган ўрни ҳам йиқилганида билинади. У ерда ётиб бор бўйи-басти билан кўз ўнгимизда тўлиқ намоён бўлади. Ўрни бўшаб бошимиз устидаги осмон очилиб қолади. Шунда дарахтнинг қанчалар баландлигини ҳам, қанчалар катта мавзени эгаллаб турганлигини ҳам, қанчалик катта мавзегга соя ва паноҳ бўлиб яшаб келганлигини ҳам тўлиқроқ идрок эта бошлаймиз. Ҳа, биз ҳамма нарсанинг-яқин кишиларимизнинг ҳам, вақтнинг ҳам, соғлигимизнинг ҳам қадр-қиммати, ҳаётимиздаги аҳамиятини уларни йўқотганимиздан сўнгра тўлиқроқ англай бошлаймиз.

Биз мана шу нарсалар ҳақида ўйлаётган, уларни тобора чуқурроқ идрок эта бошлаган давримизда эса йиқилган дарахтнинг паноҳида, у иссиқ ва совуқдан, шамоллардан, бўронлардан ҳимоя қилиб турган жойдан униб чиққан ниҳоллар ақл брвар қилмайдиган суръатда ўса бошлайдилар. Улар бўш қолган жойдан бошларига ёғилган қуёш нурларидан, эмин-эркин эсаётган шамоллардан баҳра олиб кун сайин жадалроқ ўсадилар. Ўсганлари сайин куч-қувватга, салобатга, чирой ва улуғворликка тўлиб бораверадилар. Кўп ўтмасдан, муносиб ворис сифатида, ҳалиги азамат дарахтнинг ўрнини эгаллайдилар. Ҳаёт қонуни, абадийлик қонунияти ана шундай. Инсон ҳаётини, умрини, яшаш, умр кечириш тарзини ҳам дарахтга қиёслаш мумкин. Йиқилган азамат дарахтларнинг ўрнини унинг паноҳида униб-ўсган ниҳоллар, марҳум инсонлар ўрнини муносиб фарзандлари эгаллаб бораверадилар. Табиатда ҳам, ҳаётда ҳам ҳеч қачон бўш ўрин бўлмайди.

Икки минг тўртинчи йилнинг биринчи июн куни ушбу китобимизнинг бош қаҳрамони Ҳайит Оқмамаатовнинг дафн маросимида ўтирарканман ҳаёлимдан ана шу фикрлар ўтди. Аслида ҳам бизлар тўйларга ва маъракаларга инсонийлик, биродарлик бурчимизни ўташ билан биргаликда, бу маросимларнинг моҳиятини янада тўлиқроқ англаб етиш, меҳр-мурувват туйғуларимизни баҳам кўриш учун борамиз. Иштирок этамиз.

Бир неча кун муттасил давом этиб одамларни ҳолдан тойдирган жавзо жазирамаси ўша куни бир қадар пасайиб, ҳаво осойишталанган, само бетини оппоқ майин жунли қўйлар сурувидек булутлар қоплаганди. Олис яйловлар тарафлардан келаётган, шувоқ ва бошқа ёввойи дашт ўтларининг хушбўй ҳидларига йўғрилган шамоллар гоҳо-гоҳо кўтарилиб, юзингизга, кўксингизга муздек тегиб роҳат бағишлайди. Бугун эрталабданоқ барча йўллар Ҳайит Оқмамаатовнинг “Муборак” хўжалиги марказидаги ҳамма учун қадрдон бўлиб қолган ҳовлиси, хонадони остонасига туташди. Хўжаликнинг мутахассислари, чўпон-чўлиқлари, шаҳар маркази,

кўшни туманларнинг, вилоятларнинг одамлари, Ҳайит Оқмаматовни таниган, билган, у ҳақда эшитган ҳамма-ҳамма бу улуг ва саховатли инсон билан видолашмоқ, уни сўнгги манзилга энг катта иззат-у инромлар билан кузатмоқ, дўстлик, биродарлик, оддий инсонийлик бурчларини бажармоқ учун шу ерга келардилар. Одамлар кўчаларни тўлдириб келаяптилар. Ҳамманинг қалбида ғам, кўзларида нам, тилларида унсиз нолалар Ҳайит Оқмаматов вафот этди.

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш...

Буюк шоиримиз Ғафур Ғуломнинг ўлмас сатрлари мана шундай инсонларнинг жанозалари, хотиралари ҳақида битилгандир.

Маросим иштирокчиларига назар соламан. Улар орасида турли миллатлардан, ёш ва кекса авлодларнинг вакиллари бор. Марҳумнинг устози домла Элмирза Маҳмонов чуқур қайғуга ботган. Мен олийжаноб, хушчақчақ бу инсонни ҳеч қачон бундай ғамгин аҳволда кўрмагандим. Жуманазар Қуллиевнинг тоғдай кўкси букилган. Шомурод Рўзимуродов, Қурбон Алиев, Нормурод Отаниёзов, Наврўз Авазов, Ражаббой Жалилов, Рўзи Қурбонов... ҳамма-ҳамманинг бошлари ҳам, кўзларида нам. Хўжалик Ширинбулоқ фермасининг мудири, қийинчиликни, ғам-ташвишни назар-писанд этмайдиган, ўт-олов йигит Рамазон Авазовнинг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёшлар қотиб қолган. Ҳамиша ўт чақнаб турадиган кўзларида мислсиз алам. У сарбонидан жудо бўлган бўтадек бўзлаб, бутун мотам маросимлари давомида, устозининг ўгли Олимжон билан ёнма-ён турди. Ҳамманинг ташрифини ўрнидан туриб қаршилаб, таъзияларини қабул қилди. Буюк инсон хотирасига буюк садоқатини намойиш этди.

Бутун умрини, ҳаётини чорвачиликни ривожлантириш, элу юртининг фаровонлиги ишига бахшида этган фидокор, саховатли, олийжаноб инсон Ҳайит Оқмаматов сўнгги манзилга кузатилди. Унинг номи, ишлари, ютуқлари, буюк инсонийлик фазилатлари ҳақидаги хотиралар ҳаммамизнинг қалбимизда мангу яшайди. Вилоятимиз ҳокими Нуриддин Зайниев, туманимиз ҳокими Панжи Аллакуловлар, хўжаликнинг қайвонилари, жамоа аҳли кенгаши Ҳайит Оқмаматовнинг ўрнига ўгли Олим Оқмаматовни "Муборак" қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) хўжалиги бошқаруви кенгашининг раиси қилиб сайладилар. Олим Оқмаматов отасининг ўрнига ўтириши билан, худди йўқотган сарбонларини яна топгандек, хўжалик аҳлининг кўкси тоғдек кўтарилди. Янада ишонч, қатъийлик билан меҳнат қила бошлади. Хўжаликда давлатга ғалла сотиш режаси ортиги билан бажарилди. Ҳайит Оқмаматов олган охириги баракали тўлда қолдирилган кўзилар ажратилиб, янги сурувлар ташкил этилди. Қишлоқ учун етарлича озуқа жамғарилмоқда.

-Худога шукур, ишимиз худди аввалгидек, Ҳайит аканинг давридагидек изчиллик, қатъият билан давом этаяпти. Хўжалигимизнинг барча раҳбарлари, жамоаси аҳли ёш раисимиз Олимжоннинг атрофига маҳкам жипслашиб, яқдиллик, фидокорлик

билан ишляптилар. Ҳамма жойда ишларимиз қизгин. Эшиқларимиз дўстларимиз учун ҳамишагидек доимо очик. Наслчиликда ҳам, чорванинг бош сонини кўпайтиришда ҳам, маҳсулот ишлаб чиқариш, давлатга сотишда ҳам, одамларга ғамхўрлик борасида ҳам устозимизнинг ишларини давом эттириб, режаларини амалга ошириб, у кишининг табаррук номларига муносиб ишлайверамиз, - дейди хўжаликнинг бош чорвашуноси Нурилло Қурбонниёзов.

Буюк кишиларнинг фарзанди бўлиш, унга муносиб яшаш, меҳнат қилиш осон эмас. Мен буни илғари ёзганман. Олимжонни иш ўрнида, иш устида кўриб бу ёш йигит улуғ отасига муносиб фарзанд, унга муносиб шогирд, ота ишининг муносиб давомчиси эканлигига қаттиқ ишонч ҳосил қилдим. Юқоридаги фикримни ҳам шунинг учун такрорляяпман. Зиммасига юкланган, мамлакатимиздаги энг илғор чорвачилик хўжалигини бошқаришдек ниҳоятда катта масъулият уни жуда қисқа муддатда улғайтириб етук мутахассисга, раҳбар кадрга айлантирган. Бу унинг теран ақл-идрокининг, буюк ота ишининг давомчиси бўлиш масъулиятини тезда тўлиқ англаб етганлигининг натижасидир. Унинг сўзлари қисқа, аниқ, қатъий, оқилонадир. Хўжалик ишлаб чиқаришининг барча жиҳатларини, одамларининг ҳаётини, меҳнатини тинимсиз ўрганаяпти. Бу унга хўжалик раҳбарлик борасида янги, ҳаётбахш йўналишларни излаб топиб амалга ошириш имконини беради.

-Хўжалигимиз мамлакатимиз миқёсида жуда катта обрў орттирган. Отамизнинг жуда кўп дўстлари бор. Жамоамиз, мутахассисларимиз билимдон, фидокор. Булар бизнинг отамиздан, устозимиздан қолган энг катта бойликларимиздир. Биз ана шу энг қадрли, муқаддас бойликларимизни сақлашимиз, кўпайтириб боришимиз керак. Ана шунда отамиз олдидаги бурчимизни ўтаган, у кишининг поки руҳларини шод этган бўламиз. Кўзлаган катта мақсадларимизга етишамиз, - дейди Олим Оқмаматов сўхбатимиз пайтида.

Хўжаликнинг маъмурий идорасидан қайтаётганимда, хизмат вазифам тақозоси билан, Ҳайит Оқмаматовнинг таржимаи ҳоли билан танишдим. Мана унинг баёни.

Ҳайит Оқмаматов 1947 йилда Муборак туман "Муборак" ширкат хўжалигида туғилган. Отаси Оқмаматов Оймамат шу хўжаликда чўпон бўлиб ишлаган. Онаси Оқмаматова Ўғилжамол уй бекаси бўлган. Ҳайит Оқмаматов 1954-1965 йилларда шу хўжаликдаги ўрта мактабда ўқиган. 1965-1970 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг зоотехника куллиятида ўқиган. Институтни тугаллаб олим-зоотехник мутахассислигини олган. 1970 йил 4 мартдан 1971 йил 17 июнга қадар "Муборак" хўжалигида қоракўлчилик-наслчилик бўйича зоотехник, 1971 йил 17 июндан 1976 йилнинг 3 майгача шу хўжаликда бош зоотехник бўлиб ишлаган. Ана шу даврдан 1978 йилнинг 6 декабригача Косон туманидаги "Зарбдор" хўжалигида директор бўлиб ишлаган. 1978 йилнинг 6 декабридан умрининг охирига қадар "Муборак" қоракўлчилик-наслчилик хўжалигига раҳбарлик қилган.

Оилали. Олти нафар фарзанди бор. 1981 йилда "Ҳурмат белгиси" ордени билан тақдирланган, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор" унвонига эга.

Бу таржимаи ҳолни Ҳайит ака ўз дастхати билан ёзган. Мен уни қисқа, маъно ва мазмун жиҳатидан энг буюк асар, деб атаган бўлардим. Зеро, ана шу қисқагина умр баёни соҳибининг меҳнатларини, эришган ютуқларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, халққа етказиш учун кўплаб олимларнинг, ёзувчиларнинг йиллар давомида қиладиган тинимсиз изланишлари, меҳнатлари талаб этилади. Ҳайит Оқмаатов бошчилик қилган "Муборак" хўжалиги чорвадорларининг энг катта ютуқлари шундан иборатки, улар қоракўлчиликни ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бири сифатида сақлаб, ривожлантириб келдилар. Унинг қиёфасини дунёга кўрсатдилар. Довруғини оламга ёйдилар. Олис чўлларда наслчилик, маданият, маънавият ишлари бўйича илмий ишлар, изланишлар олиб бордилар. Хўжалик фаолиятини жаҳон миқёсидаги энг катта, илғор қоракўлчилик, наслчилик илмий-тадқиқот институтлари билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар. Қоракўл кўйларнинг жаҳон бозорида тилло билан баҳоланадиган энг юқори сифатли, сара терилар берадиган янги зотларини яратдилар. Бу кўйларнинг зотини, сонини ҳар қандай шароитда ҳам сақлаб, кўпайтириб келаяптилар. 30 мингдан ортиқ совлиқдан тўл олаяптилар.

Хўжалиқда наслчилик борасида жуда катта тажрибага эга бўлган мактаб, илмий марказ яратилган. Бу илмларни ўрганиш, оммалаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига катта ҳисса қўшади. Зеро, қоракўлчилик азалдан халқимизнинг энг катта миллий бойликларидан бири бўлиб келган. Ҳайит Оқмаатов, у бошчилик қилган мутахассислар, яйлов баҳодирлари, номлари оламга таралмаган чорвашунос, тажрибадор олимлар мана шу хазинанинг сарчашмасида турибдилар. Бу ишларни давом эттириб, янада ривожлантириш эндиги асосий вазифадир.

Китобнинг шу нуқтасига етганимда туманимиз тиббиётининг иккита таниқли ташкилотчиси, фидокори дафн маросимидан қайтаётган пайтда айтган фикрлари хаёлимдан ўтди.

-Ҳайит аканинг иродасига қойил қолдим. Ниҳоятда оғир касаллик билан икки йил мардона олишди. Касалликни назар-писанд қилгани йўқ. Охирги кунигача, касаллик уни жисман заифлаштириб кўйган бўлса-да, руҳи тетик, ақли ёран эди. Хизмат вазифасини бажаришдан бирор дақиқа тўхтагани йўқ. У ҳақиқий иродали, кучли инсон эди, -деганди Ҳошим Фармонов,

-Қаранг, Ҳайит аканинг дафн кунини иссиқлар пасайиб, ҳаво мулойим, анча салқин бўлди. Унинг сўнги кўни ҳам обод бўлди. Таъзияга келганлар ҳам ҳориқиб, толиқишгани йўқ. Яхши бандасига худо ҳам иноят кўрсатади, -деганди Тошболта Олтибоев.

Шу фикрларни эсларканман орамиздан кетган инсоннинг

нақадар азизлигини, эҳтиромга лойиқлигини яна бир бор ҳис этдим. Унинг дафн маросими куни тонгида самода пайдо бўлган оппоқ майин жунли қўйлардек момик булутлар ҳамон бошларимиз узра сузиб юришибди. Ҳайит аканинг яйловларига барака киритаётган булутлар энди унинг қабри тупроқларига табиатнинг кўз ёшларини тўкаяптилар.

Инсоннинг ҳаётида қанчалик баланд парвоз этиши умр йўлдошининг, донолигига, ақл-идрокига, меҳнатсеварлигига боғлиқ. Фарзандларининг оқибатига, одоб-ахлоқларига боғлиқ. Ҳайит Оқмаматовнинг меҳнатда, ҳаётда мутахассис, раҳбар, саховатли комил инсон сифатида шаклланиб, камолотга етишида, улуғворлигида турмуш ўртоғи Нуржамол Оқмаматованинг хизматлари ниҳоятда беқиёсдир. У эрига умр йўлдош, меҳнатда сафдош, оғир кунларида маслаҳатдош бўлиб баракали, сермазмун умрининг садоқатли йўлдоши бўлди. Хасталик даврларида қаерда даволанмасин, Ҳайит аканинг доимо ёнида бўлиб мададкори бўлди. Эрининг оғир дардига шерик бўлди. Агар Ҳайит Оқмаматовнинг меҳнати, инсоний фазилатлари ҳақида мадҳия битилса, хотини ҳақида дostonлар ёзмоқ керак. У бугун оғир жудоликдан дол бўлган қаддини баланд тутиб фарзандларига мададкор бўлади. Уларни ҳаётнинг оғир йўлларида соғу омон олиб ўтиб камолотга етказиш учун меҳнат қиляпти. Фарзандларини ёнига олиб, катта, қутлуғ хонадоннинг эшигини катта очиб, муқаддас чироғини ёқиб турибди. Фарзандлари Олим, Дилшод, Ойдин, Дурдона, Гавҳар, Муножотларни оталарига муносиб яшашга, меҳнат қилишга, унинг буюк инсоний фазилатларини намойиш этишга руҳлантирмоқда.

Яқинда Муборакнинг шифобахш иссиқ сувли масканларидан бирида - Юлдузқоқда тунадик. Бу ерда осмон бошингизга янада яқинроқ, юлдузлар янада тигизроқ, каттароқ, ёрқинроқ кўринади. Бекорга Юлдузқоқ дейишмаган. Бу ерда шифобахш сувлар бор. Чор атроф бепоён яйловлар. Бу ерда олам ва одам тақдирлари, ҳаётлари мужассамлашиб, уйғунлашиб кетгандир. Чўпонлар энг фидокор, покиза қалбли инсонлардир. Само тўла ёрқин юлдузлар Хизр кезган яйловларни кезган, умри ташвишлар, фидокорликлар билан ўтган чўпонларнинг, чорвадорларнинг покиза, ёрқин, бедор рухларидир. Улар нурдек порлаб йўлларимизни, шууримизни ёритиб, бизларни ҳар ишда қўллаб туришибди. Улар мубораклик, ушбу китобимизда таърифланган чорвадорларнинг юлдузларидир. Бизлар билган одамлар ҳақидаги хотиралардир. Тикилиб қараганимиз сайин тўлиқроқ, ёрқинроқ кўринаверадилар. Уларни унутмасак, қанчалар эсласак, хотирласак, юзларига термулиб қарасак шунчалар боқий яшайдилар. Юлдузлар мангу порлайдилар.

Бу нуқтага етганимда кўз ўнгимга яна оппоқ майин жунли қўйларини ям-яшил яйловларда боқиб юрган маъсум чўпон бола гавдаланди. Ҳаёт давом этмоқда. Йиқилган дарахтлар ўрнида ниҳоллар кўкка буй чўзмоқда. Ёш авлодлар етишиб келаяпти. Мен эса Ҳайит Оқмаматов, унинг олис сафдошлари руҳи олдидаги бурчини ўтаган ижодкор сифатида китобимга сўнгги нуқтани қўйдим.

2004 йил 21 июль, Муборак шаҳри.



ЭЗГУЛИКНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ҚАЛБ

Жўра Йўлбарсов 1949 йилда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманининг “Оққапчиғай” (ҳозирги “Сойхон”) қоракўлчилик хўжалигида чўпон оиласида туғилган. Отаси Шодмонов Йўлбарсов ёшлигида Помуқ, Кепакли, Қоравулбозор яйловларида қўй боққан. 1928 йилда қўйларни Сурхондарёга ҳайдаб бориб, “Оққапчиғай” қоракўлчилик-наслчилик совхозини тузишда қатнашган. Сур терилар берадиган қўйлар зотини яратиш бўйича наслчилик илмий ишлари олиб бориладиган отарга бошчилик қилган. Жанубий Сурхон сур терисини яратиш борасидаги хизматлари учун фан ва техника соҳасида СССР Давлат мукофотининг совриндори бўлган.

Жўра Йўлбарсов 1972 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика қуллиётини тугаллаганидан буён матубот соҳасида ишлаб келмоқда. 1988 йилдан буён Муборак туман “Муборак ҳаёти” газетасининг муҳаррири бўлиб ишлайди. “Юрт ҳақида қўшиқ” достони алоҳида китоб ҳолида чоп этилган. Муборак адабий ҳаракатини ривожлантиришга, ёш ижодкорларга мураббийлик қилишга катта ҳисса қўшаяпти. Ушбу китоб болалиги кечган яйловларга, фидокор ва ҳамиша бедор чўпонлар ҳаётига яқинлигининг, меҳр-муҳаббатининг ифодаси, баёнидир.

Темирпўлат ТИЛЛАЕВ.

Мундарижа

Юксалиш йўлим.....	3
Дастлабки қадамлар.....	4
Уч ҳикоят.....	9
Тараққиёт сари.....	13
Камолот даври.....	19
Довруқ.....	29
Юлдузлар мангу порлайди.....	42

Адабий-бадий нашр

Жўра ЙЎЛБАРСОВ

ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ПОРЛАЙДИ

Муҳаррир: Темирпўлат ТИЛЛАЕВ

Техник муҳаррир: Самандар МУСАЕВ.

Суратлар муаллифи: Зикрилло РАҲМАТУЛЛАЕВ

Компьютерчи: Алиёр МУРОДОВ

T 4702620201-301 301-2005
376 (02) 2005

© Ж. Йўлбарсов - 2005 й.

ISBN 5-7323-0505

ИБ № 0823

Теришга 2. 02. 2005 йилда берилди. Босишга 25.02. 2005 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/16. Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 3,03. Шартли бўёқ-оттиск 3,7. Нашр босма табоғи 4,0. 1500 нусха. 112 -шартнома № 2048 -букюртма. Эркин нарҳда.

“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

“Графика” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси-22.